Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, neft-gaz korxonalarini faoliyatini boshqarishga nisbatan jarayonli yondashuv, har bir biznes jarayon bo'yicha samarali boshqaruvning amalga oshirilishi, ular o'rtasidagi o'zaro muvofiqlikni ta'minlash korxonaning mavjud resurslaridan oqilona foydalanish, uning barqaror rivojlanishini, raqobatbardoshligini ta'minlashning asosiy omili hisoblanadi. O'tkazilgan tahlillarga asoslangan holda, respublikamiz neft-gaz sanoatini rivojlantirishdagi asosiy to'siqlar sifatida korxonalar moliyaviy holatining barqaror emasligiga ta'sir ko'rsatayotgan omillar aniqlangan.

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi gaz transport tizimi 13,6 ming kilometrdan ortiqroq magistral gaz quvurlaridan tashkil topgan. Kompressor stantsiyalarda, magistral gaz quvurlari orqali gazni transportini amalga oshiradigan turli xil rusumda 252 gaz haydovchi agregatlar ekspluatatsiya qilinadi.

O'zbekiston respublikasi iste'molchilariga tabiiy gazni yetkazib berish xamda uni eksporti va tranzitini, sharqiy, shimoliy va janubiy yo'nalishlarda gazni yer ostida saqlash inshootlari va magistral gaz quvurlari boshqarmasi amalga oshiradi. Tabiiy gaz oqimi magistral gaz quvurlariga asosan regionlardagi gaz qazib chiqaruvchi va gazni qayta ishlovchi korxonalardan kelib tushadi va ular quyidagi asosiy yo'nalishlarga tarqatiladi:

- tabiiy gazni aholiga va sanoat iste'molchilariga sotish;
- magistral gaz quvurlariga bevosita chiqish imkoniyati bo'lgan sanoat korxonalariga tabiiy gazni sotish;
- tabiiy gaz eksporti;
- tabiiy gazni yer osti omborlariga haydash.

Kompaniyaning tranzit resurslari korxonalarga taalluqli tabiiy gaz tranzitini o'z ichiga olish bilan birgalikda mahsulotni va korxonalarni ayirboshlash kelishuvi shartlariga asosan faoliyatini amalga oshiradigan.

Korxonalar xorijiy kapital sherikligida amaldagi qonunchilik shartlariga asosan chegarada o'zaro bog'langan davlatlarning (qo'shni) gaz tizimidan, tabiiy gazni sotish huquqiga ega.

Magistral gaz transporti ob'ektlarida ishlarni ishonchli va uzluksiz ta'minlash, mamlakatni o'zida va xorijda ishlab chiqilgan magistral gaz quvurlari ob'ektlarini ekspluatatsiya qilish tajribasiga asosan amalga oshiriladi. Tarmoq-ekspluatatsion xizmatlar kerakli texnika, jihozlar hamda malakali mutaxassislar bilan butlangan.



Magistral gaz transporti ob'ektlari ishlarini ishonchli va uzluksiz bo'lishi quyidagilar hisobidan ta'minlanadi;

gaz quvurlari tarmoq qismi holatini doimiy nazorati, quvur o'tkazgichlarning texnik holatini diagnostikasi, gaz quvurlari ichki qismini tozalash hamda gaz quvurlarini quvur ichini defektoskopiya natijalariga ko'ra ta'mirlash va texnik xizmat ko'rsatish orqali;

GPA'larni diagnostikasi, texnik ta'miri va xizmati, KS ichki maydonchalarni kommunikatsiyalar va texnologik jihozlash;

gaz transport tizimi ob'ektlarini zamonaviy rekonstruktsiya va modernizatsiya qilish;  
texnik personalini doimiy ravishda o'qitish va malakasini oshirib borish.

Yuqorida ko'rsatib o'tilgan vazifalarni bajarilishi, gaz transport tizimi ob'ektlarda tarmoq qismini ekspluatatsiya qilishda ishlarni ishonchli va uzluksiz bo'lishini, eksport va tranzit majburiyatlarni oshirish, iste'molchilarga uzluksiz gaz ta'minlash hamda gazni transport qilish jarayonida yo'qotishlarni kamaytirish imkoniyatini beradi.

O'zbekiston 2007 yili Turkmaniston — O'zbekiston — Qozog'iston — Xitoy xalqaro gaz transport magistraliga qo'shilgan edi. Ushbu gaz quvuri dunyoning eng uzun gaz magistrali (7 ming km dan uzun) hisobalanadi.

"O'zbekneftgaz" va Xitoyning CNPC kompaniyasi o'rtasida Asia Trans Gas qo'shma korxonasi tashkil etilib, u gaz quvurining o'zbek hududidan o'tuvchi 530 kmlik qismini loyihalash, qurish va foydalanishga topshirish bilan shug'ullanadi.

O'zbekistonning neft va gaz sanoatiga jalb qilinayotgan investitsiyalar oxirgi ikki yil ichida gaz ishlab chiqarish hajmi 10 foizga, aholiga tabiiy gaz yetkazib berish 15 foizga, suyultirilgan gaz 1,6 esa barobarga oshirdi. Shu davrda neftni qayta ishlash zavodlarida qo'shimcha 204 ming tonna neft mahsulotlari ishlab chiqarildi va ichki bozorda benzina bo'lgan talab to'liq qondirildi. Neft va gaz sanoatini yanada rivojlantirish uchun uglevodorodlarni qidirish va qazib olishni ko'paytirish nazarda tutilgan. Shu maqsadda Buxoro-Xiva, Ustyurt, Surxondaryo va Farg'ona mintaqalaridagi nisbatan istiqbolli hududlardagi ishlar ichki resurslar hisobidan jadallashtirildi. Shuningdek, dunyoning yetakchi neft-gaz kompaniyalari bilan kam o'rganilgan investitsion bloklar bo'yicha geologiya-qidiruv ishlari olib borilmoqda. Bu borada hamkorlar sifatida «Socar» (Ozarbayjon), «British Petroleum» (Buyuk Britaniya), «Total» (Frantsiya), «Lukoil», «Gazprom», «Tatneft» (Rossiya), «Mubadala» (BAA) va «ONGC» (Hindiston) kompaniyalarini ta'kidlash mumkin. Uglevodorodlar iste'moli o'sib borayotgani hisobga olingan holda 2019-2030 yillar mobaynida sohaga taxminan 9,8 milliard dollar, shu jumladan, geologiya-qidiruv ishlari uchun 3,5 milliard dollar va tabiiy gaz ishlab chiqarish hajmini oshirish uchun 6,3 milliard dollar miqdorida investitsiya jalb etish rejalashtirilgan. Tabiiy gaz oqimlari hamda magistral gaz uzatish tizimini modernizatsiya va monitoring qilish tizimi (SCADA)ni joriy etish rejalashtirilgan. Shu maqsadda "O'zbekneftgaz" AJ 2019-2025 yillarda xalqaro moliya institutlarining 1,5 mlrd dollarga yaqin kreditlarini jalb etish ustida ish olib bormoqda. Yuqori qo'shilgan qiymatga ega mahsulotlar ishlab chiqarishga mo'ljallangan neft-kimyo va kimyo sanoati jadal rivojlanmoqda.

Jumladan, "Sho'rtan" gaz-kimyo majmuasini naftani qayta ishlash GTL loyihasi bo'yicha (qo'shimcha qiymati +480 mln. dollar) kengaytirish loyihasi amalga oshirilish arafasida turibdi. Buning natijasida qo'shimcha tarzda polietilenning 280 ming tonna yangi turi va 100 ming tonna polipropilen ishlab chiqarilishi kutilmoqda. GTL texnologiyasi bo'yicha 1,5 million tonna sintetik suyuq yoqilg'i, 743,5 ming tonna dizel yoqilg'isi, 311 ming tonna aviakerosin, 431 ming tonna nafta va 50 ming tonna suyultirilgan ishlab chiqarish bo'yicha loyihani amalga oshirish davom ettirilmoqda.

Ushbu va boshqa vazifalarning amalga oshirilishi 2030 yilga borib tabiiy gazni chuqur qayta ishlashni 6 barobar oshirish imkonini beradi.

Elektr energetikasi sohasiga, shuningdek, energetika zahiralarni qazib olish va ishlab chiqarish jarayoniga xususiy kapitalni jalb qilish;

DXSh (davlat-xususiy sherikligi)ni rivojlantirish kabi keng miqyosdagi yangi vazifalar ham qo'yilgan.

O'zbekistonda elektr energetikasini rivojlantirishning asosiy ustuvor yo'nalishlaridan biri - to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish hisobiga issiqlik elektr stantsiyalari (IES), atom energiyasi, qayta tiklanadigan energiya manbalari (QTEM) kabi ishlab chiqarish ob'ektlarini rivojlantirish hisoblanadi. 2030 yilgacha bo'lgan davrda energiya tizimining ishlab chiqarish quvvatini oshirish maqsadida yirik investitsiya loyihalari ishlab chiqilmoqda. Ular qatoriga:

1.umumiy quvvati 15 GVt bo'lgan samarador issiqlik energiyasi ishlab chiqaruvchi ob'ektlarni qurish;

2.elektr energiyasi ishlab chiqarish umumiy quvvati 9,5 GVt ga yaqin bo'lgan (Sirdaryo, Navoiy, Tolimarjon, Taxiatoch, To'raqo'rg'on issiqlik elektr stantsiyalari va boshqalarda) zamonaviy PGU elektr stantsiyalarini qurish;

3. umumiy quvvati 3,2 GVt ga yaqin bo'lgan gaz-porshenli qurilmalar, aviatsiya gaz turbinalari va zamonaviy elektr energiya zaxiralash tizimlari asosida (Sirdaryo, Toshkent IES, Muborak IEM va h.k.) manyovrlil ishlab chiqarish quvvatlarini qurish;

4.umumiy quvvati 8400 MVt dan ziyod bo'lgan qayta tiklanadigan energiya manbalari asosida ishlaydigan quyosh, shamol va gidroelektrstantsiyalarini qurish, va ularning jami elektr energiyasini ishlab chiqarishdagi ulushini 25% ga yetkazish.

5.2400 MVt quvvatga ega bo'lgan atom stantsiyasini qurish kiradi.

Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.03.2019 yildagi "O'zbekiston Respublikasida elektr energetika tarmog'ini yanada rivojlantirish va isloh qilish strategiyasi to'g'risida"gi №PQ-4249 sonli qaroriga muvofiq, Energetika vazirligi manfaatdor vazirliklar va idoralar bilan hamkorlikda, xalqaro moliya institutlari (Jahon banki, Osiyo taraqqiyot banki)ning texnik ko'magida iqtisodiyot tarmoqlari va aholining elektr energiyaga bo'lgan istiqboldagi talab-ehhtiyojlari prognozlarini inobatga olgan holda 2030 yilga qadar elektr energetika tarmog'ida ishlab chiqarish quvvatlarini rivojlantirish hamda yirik investitsiya loyihalarini amalga oshirish kontseptsiyasi ishlab chiqilmoqda [1].

Bundan tashqari, xalqaro maslahatchi – "Mott MacDonald" (Buyuk Britaniya) kompaniyasi bilan hamkorlikda O'zbekistonda elektr energiyasining uzoq muddatli rivojlantirish bosh rejasi ishlab chiqilmoqda.

Bugungi pandemiya sharoitida strategik ahamiyatga ega bo'lgan tarmoqlardan biri, magistral gaz transportida o'z ehtiyojlari va texnologik yo'qotishlarga tabiiy gaz sarfini hisoblashlashning eng optimal jihatini topiah lozim bo'ladi. (bosimi 1,2MRA dan yuqori) Magistral gaz tashishning o'z ehtiyojlari uchun gaz sarflanishi asosiy yo'nalishlari:

gazni yoqilg'i ehtiyojlari uchun sarflash;

gazni texnologik ehtiyojlar uchun sarflash.

Magistral gaz tashishning o'z ehtiyojlari hamda texnologik yo'qotishlari uchun gaz sarflanishi qismlari tahlil qilamiz. Tabiiy gazni o'z ehtiyojlari uchun sarflashning alohida yo'nalishlari bo'yicha individual me'yorlarini aniqlash hisoblash-tahlil uslubi, hisoblash-statistik uslubi va oxirgi uch yil uchun hisobot ma'lumotlariga asoslanib, uskunaning pasport ko'rsatkichlari va turli foydalanish sharoitlarida haqiqiy gaz sarflanishi tajriba-statistik ma'lumotlaridan foydalaniladi.

Magistral gaz quvurlarida gaz balansini tuzishda magistral gaz quvurlari tizimlari doirasida tabiiy gazning yetkazib berilishi va taqsimlanishi solishtirma balansini shakllantirish, "O'ztransgaz" AJ tarkibiga kiradigan tarkibiy tuzilmalar axborot bazasi negizida yaratiladi. Magistral gaz quvurlari tizimlari orqali tabiiy gazning yetkazib berilishi va taqsimlanishi solishtirma balansini bevosita bo'ysunuv ostidagi tashkilotlarning, shuningdek, yer ostida saqlash stansiyalari bo'yicha gazning yetkazib berilishi va taqsimlanishi balanslari asosida tuziladi.

Gaz transport tizimida gaz balansining matematik tenglamasi:

$$Q_{in} + Q_{reco}^{of} + Q_{oct}^H = Q_p + Q_{reco}^3 + Q_{oct}^K + Q_{ch} + (Q_{m} \pm Q_{pac}) \quad (1)$$

bunda,  $Q_p$  — tuzilgan yetkazib berish shartnomalariga muvofiq GTSga kelib tushgan gaz hajmi,  $1 \times 10^3$ ;

$Q_{\text{geso}}^{\text{ot}}$  — hisobot oyida GESO dan olib qo'yilgan gaz hajmi,  $1 \times 10^3 \text{ m}^3$ ;

$Q_{\text{ost}}^{\text{n}}$  — hisobot oyi boshida GTSda qolgan gaz hajmi,  $1 \times 10^3 \text{ m}^3$ ;

$Q_{\text{r}}$  — iste'molchilarga, shu jumladan eksportga yetkazib berilgan gaz hajmi,  $1 \times 10^3 \text{ m}^3$ ;

$Q_{\text{geso}}^{\text{z}}$  — GESOga bosim ostida kiritilgan gaz hajmi,  $1 \times 10^3 \text{ m}^3$ ;

$Q_{\text{ost}}^{\text{k}}$  — GTSda hisobot oyi oxirida qolgan gaz hajmi,  $1 \times 10^3 \text{ m}^3$ ;

$Q_{\text{sn}}$  — o'z ehtiyojlari

$Q_{\text{tp}}$  — texnologik yo'qotishlar

$Q_{\text{ras}}$  — hisobotdagi nuqsonlar hisobidan balansning daromad va xarajat qismi o'rtasidagi tafovut.

O'z texnologik ehtiyojlari uchun sarflangan, hisob-kitob asboblari va mazkur tartibga muvofiq aniqlanadigan gaz hajmi, quyidagi formula bo'yicha aniqlanadi:

$$Q_{\text{ch}} = Q_{\text{tn}} + Q_{\text{tpn}} \quad (2)$$

bunda,  $Q_{\text{tn}}$  — yoqilg'i texnologik ehtiyojlarga sarflangan gaz hajmi,  $\text{m}^3$ ;

$Q_{\text{tpn}}$  — boshqa texnologik ehtiyojlarga sarflangan gaz hajmi,  $\text{m}^3$ .

Balansning kirim va chiqim qismi o'rtasidagi tafovut yo'l qo'yilishi mumkin bo'lgan 1,5 % xatolik darajasidan ortib ketishi mumkin emas.

Agar tafovut yuqorida ko'rsatib o'tilgan yo'l qo'yish mumkin bo'lgan xatolik darajasidan oshmasa, gaz yetishmovchiligi tuzilmaning shu davrdagi sarf-xarajatlariga o'tadi. Agar tafovut yo'l qo'yish mumkin bo'lgan nuqson darajasidan ortib ketsa, gaz yetishmovchiligi aybdor shaxslar zimmasiga yuklanadi.

Gazni tejash maqsadida ishlatish va texnologik ehtiyojlar va yo'qotishlarga gazning sarfini tahlil va nazorat qilish uchun sarflangan gazning umumiy hajmi, iste'molchilardan gazni qabul qilish-topshirish dalolatnomasi bo'yicha, qabul qilingan gazning umumiy hajmiga nisbatan, quyidagi formula bo'yicha foizlar ko'rinishida  $R_g$ , (%), taqdim etiladi:

$$P_g = \frac{V_{\text{c.n.}} + V_{\text{t.n.}} + V_{\text{pot.}}}{V_{\text{obn}}} \cdot 100, \quad (3)$$

bunda:  $V_{\text{c.n.}}$  — ishlatish ehtiyojlariga sarflangan gazning hajmi,  $\text{m}^3$ ;

$V_{\text{t.n.}}$  — texnologik ehtiyojlarga sarflangan gazning hajmi,  $\text{m}^3$ ;

$V_{\text{pot.}}$  — gazning yo'qotishlari,  $\text{m}^3$ ;

$V_{\text{obn}}$  — yetkazib beruvchilardan olingan va ikki tomonlama qabul qilish-topshirish dalolatnomasi bilan rasmiylashtirilgan gazning umumiy miqdori,  $\text{m}^3$ .

### Xulosa va takliflar

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash lozimki, mamlakatning strategik ahamiyatiga ega bo'lib turgan neft-gaz tarmog'ining iqtisodiy barqarorligini ta'minlashning ilmiy-tadqiqot yechimi sifatida biz quyidagi fikrga keldik:

-O'zbeneftegaz AJ tarkibiga kiradigan moliyaviy barqaror bo'lmagan neft-gaz korxonalari infratuzilmalarini rivojlantirish uchun nafaqat xorijiy investorlarni jalb etish balki mahalliy tadbirkorlik sub'ektlari uchun ham raqobat muhitini shakllantirib, venchur fondlari orqali moliyalashtirishni tadbiq etish;

-investitsiyalarni jalb etish va ulardan samarali foydalanishda rivojlangan sanoatlashgan mamlakatlr tajribasidan foydalanadigan bo'lsak, investitsiya siyosatini amalga oshirishda quyidagi uchta yo'nalishga alohida e'tibor bilan qaraladi:

- import o'rnini bosish strategiyasini rivojlantirish;
- tayanch tarmoqlar va eksport salohiyatining mustahkamlash;
- ilmtalab sohalar va innovatsion ishlanmalarni rivojlantirish.

Rivojlangan mamlakatlarda innovatsiya faoliyatida boy tajriba to'plangan bo'lib, undan O'zbekiston amaliyotida foydalanish investitsiyalash amaliyotini takomillashtirish va investitsiyalarning samaradorligini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish imkonini

beradi. Bu borada bir qator rivojlangan mamlakatlarda investitsiya me'yorining nisbatan yuqori va barqaror darajasiga erishilganligining guvohi bo'lamiz.

Ayrim chet el mamlakatlaridagi investitsiya siyosatining asosiy yo'nalishlarini mamlakatimizga tatbiq qilish muayyan ijobiy natijalarni bermasdan qolmaydi. Ayniqsa, Koreya Respublikasi investitsiya siyosatining tajribasi o'zining ahamiyatliligi bilan ajralib turadi. Bu borada mamlakatimizda ham investitsiya siyosatining muhim ustuvorliklaridan biri aynan xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda uzoq muddatli loyihalar asosida ilg'or texnika va texnologiyalar kiritishga qaratilgan. Shu bilan birga, investitsiyalardan samarali foydalanishda bir qator rivojlangan mamlakatlar tajribasi bilan masalan Chexiya, Xitoy misolida o'rganilganda, investitsiyalar asosan ilg'or texnologiyalarni joriy etish, innovatsion loyihalarni moliyalashtirish, resurs tejovchi va ekologik talofati kam bo'lgan, mehnat unumdorligini oshirishga xizmat qiluvchi sohalarga yo'naltirilayotganining guvohi bo'lamiz. Keng miqyosdagi investitsiyalar, rivojlanish maqsadlarida xalqaro moliyaviy institutlar bilan o'rnatilgan faol hamkorlik, xorijiy investorlar uchun imkoniyatlar izchil ravishda kengaytirilib borilishi kelgusida O'zbekistondagi iqtisodiy o'sishni belgilash va unga erishish imkoniyatini beradi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

---

1. Qaror (2020) Neft-gaz tarmog'ining moliyaviy barqarorligini oshirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori PQ-4664-son 04.04.2020
2. Neft-gaz sohasining boshqaruvtizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» 2017 yil 30 iyundagi PQ-3107-sonli qarori
3. Farmon (2020) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Koronavirus pandemiyasi va global inqiroz holatlarining iqtisodiyot tarmoqlariga salbiy ta'sirini yumshatish bo'yicha birinchi navbatdagi chora - tadbirlari to'g'risida"gi PF5969 son. 19.03.2020.
4. Ансофф И., Стратегическое управление. — М.: Экономика, 1989.
5. Генри Минцберг, Брюс Альстранд, Жозеф Лампель Стратегическое сафари: Экскурсия по дебрям стратегического менеджмента; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблишер, 2013. — 367 с.
6. Квинт В. Стратегическое управление и экономика на глобальном формирующемся рынке. — М.: Бизнес-Атлас, 2012 — 627 с.
7. Mustafakulov Sh.I. Investitsion muhit jozibadorligi. Ilmiy-amaliy qo'llanma- Toshkent. Baktria press, 2017. – 320 b.
8. Amonboev M. Korporativ korxonalarda ishlab chiqarishni modernizatsiyalash. TDIU. –T. Iqtisodiyot, 2011. -156 b.5.
9. Jumayev N. Neft narxi keskin quladi, endi O'zbekistonda ham benzin arzonlashadimi? Elektron manba: <https://kun.uz/news/2020/04/21/neft-narxi-keskin-quladi-endi-ozbekistonda-ham-benzin-arzonlashadimi>

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Камилов Мирзохид Мирсабитович,**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси  
хузуридаги Малака ошириш маркази  
мустақил тадқиқотчиси (DSc)  
E-mail: kamilov.m.m@mail.ru

## Қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигини такомиллаштириш – БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИДИР

*For citation: Kamilov Mirzoxid Mirsabitovich. IMPROVEMENT OF VALUE ADDED TAX ADMINISTRATION - FACTOR IN MAINTAINING SUSTAINABILITY OF THE STATE BUDGET INCOME. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.5. Issue 3. pp: 21-26*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-5-3>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қўшилган қиймат солиғи маъмурчилиги бўйича хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштириш йўналишлари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигидаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этишга хизмат қилувчи илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ сиёсати, билвосита солиқлар, қўшилган қиймат солиғи, солиққа тортиш, солиқ имтиёзлари, солиқ юки.

## IMPROVEMENT OF VALUE ADDED TAX ADMINISTRATION - FACTOR IN MAINTAINING SUSTAINABILITY OF THE STATE BUDGET INCOME

### ABSTRACT

In this article the directions for improvement of value added tax administration based on the experience of foreign countries are studied. Besides, problems at administration of the tax to the added cost in Uzbekistan have been revealed and scientific offers and recommendations for their decision are developed.

**Keywords:** tax policy, indirect taxes, value added tax, taxation, tax benefits, tax burden.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЯ НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ - ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДОХОДА В БЮДЖЕТ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изучены направления по совершенствованию администрирования налога на добавленную стоимость на основе опыта зарубежных стран. Кроме того, были

выявлены проблемы при администрировании налога на добавленную стоимость в Узбекистане и разработаны научные предложения и рекомендации для их решения.

**Ключевые слова:** налоговая политика, косвенные налоги, налог на добавленную стоимость, налогообложение, налоговые льготы, налоговая нагрузка.

### **Кириш**

“2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, солиқ юқини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш каби вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шунинг билан бирга, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари учун солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш ва солиқлар воситасида уларнинг фаолиятини янада рағбатлантириш ўта муҳимдир.

Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган солиқ ислохотлари, жумладан солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси солиқ маъмуриятчилигини самарали йўлга қўйиш ва уни такомиллаштириш имконини бермоқда. Мазкур ислохотларга кўра, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ёки айрим солиқларнинг бекор қилинишини инобатга олган ҳолда бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш бугунги кун долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев «Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шарт. Маълумки, солиқ ставкалари пасайтирилиши ёки айрим солиқлар бекор қилиниши билан бюджетга тушадиган маблағ албатта камайдир. Буни самарали солиқ маъмуриятчилиги орқали баргараф этиш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мумкин. Айнан шунга эришиш биринчи галдаги вазифамиздир” деб таъкидлаб ўтган эди [1].

Илғор хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда ҳалол тадбиркорларни рағбатлантириш ва хуфийна фаолиятни жазолаш механизми назарда тутган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Самарасиз солиқ ва божхона имтиёзлари, жумладан билвосита солиқлар (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи) бўйича имтиёзлар босқичма-босқич бекор қилинмоқда.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Билвосита солиқлар, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи солиққа тортишнинг назарий ва амалий асосларини қўллаб хорижлик ва маҳаллий олимлар тадқиқ этган.

Д.Черник, А.Починок, В.Морозовлар таҳрири остида чоп этилган “Основы налоговой системы” ўқув қўлланмасида солиқ тизимидаги билвосита солиқлар назарий жиҳатдан ёритилган [2].

И.Майбуrows, Е.Ядренникова, В.Загвоздина, Ю.Леонтьева, А.Лазуренко, Е.Мишина каби олимлар “Солиқ ва божхона тўловлари” номли ўқув қўлланмасида солиқ ва божхона тўловларининг назарий аҳамияти, уларнинг таркиби, функцияси ва классификацияси, махсус солиқ режимлари, товарлар импортида ҚҚС, акциз солиғи ва божхона тўловлари, шу жумладан махсус, демпингга қарши ва компенсация божлари оид масалалар кенг ёритилган[3].

О.Абдурахманов билвосита солиқлар бўйича солиқ юқини бошқа субъектга ўтказиш имконияти солиқ турига эмас, балки бозордаги вазиятдан келиб чиқиб таъриф берган ҳолда ўрганилган [4].

Н.Хайдаров томонидан солиқлар ижтимоий ва иқтисодий хусусиятига кўра 3 гуруҳга, бевосита солиқлар, билвосита солиқ ва ресурс солиқларга ажратган ҳолда ёритилган [5].

К.Хотамов илмий тадқиқотида билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий ва амалий таклифлар келтирилган [6].

### Тадқиқотлар методологияси


Тадқиқот жараёни кенг қамровли бўлиб, назарий-услубий тадқиқотларни, амалий изланиш ва таҳлилларни ўз ичига олади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида билвосита солиқлар таркибидаги қўшилган қиймат солиғини тадқиқ ва таҳлил этишда кабинет тадқиқот усулидан кенг фойдаланилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ўрганилиб, таҳлил натижалари илмий мақолада келтирилган.

### Таҳлил ва натижалар

Ривожланган давлатларда солиқ тизимининг асосини бевосита (фойда, даромад, мулк ва ижтимоий) солиқлар ташкил этса, ривожланаётган мамлакатларда билвосита солиқлар (ҚҚС, акциз, божлар) устунлик қилади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам билвосита солиқларнинг республика бюджетининг даромадларида улуши бевосита солиқларга нисбатан анча юқоридир. Буни 1-расмда келтирилган диаграммадан яққол кўришимиз мумкин.

ҚҚС ҳар бир давлат учун муҳим солиқлардан бири ҳисобланади, лекин ҳисоблаш ва назорат қилиш нуқтаи-назаридан тушуниш мураккабдир. Шунга қарамай, ҚҚС бозор иқтисодиётига ўтган кўп давлатларда муваффақиятли қўлланилиб келмоқда ва ушбу давлатлар даромадларидаги тушумининг 12дан 30 фоизигача таъминлайди.



### 1-расм. Ўзбекистонда бевосита ва билвосита солиқларнинг нисбати

ҚҚС дунёда кенг тарқалганлиги унинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари билан ажралиб туради, уларга қуйидагилар киради:

- товар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларига эмас, балки охириги истеъмолчиларнинг харажатларига солиқ солишга интилиш;


- солиққа тортиш учун кенг потенциал базага эгаллиги ( аксарият товарлар, ишлар ва хизматлар ҚҚСга тортилади)

- солиқ тушумларининг доимийлиги, нархлар ўзгаришига қараб солиқнинг мутаносиб равишда кўпайиши;

- ушбу солиқнинг “ҳисобга олиш” схемасини товарларни ишлаб чиқариш ва реализациясининг барча занжирида қўлланилиши, уни тўлашдан бўйин товлашда қийинчилик туғдиради;

- жамғариш ва инвестиция жараёнларини билвосита рағбатлантириш (ушбу мақсадларга сарфланадиган даромадларга ҚҚС қўлланилмайди) ва экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш (энг минимал ставка 0% қўлланилади).


Шу сабабли бугунги кунда дунёнинг 140га яқин давлатларида қўшилган қиймат солиғи муваффақиятли қўлланилиб келмоқда. Жаҳондаги айрим мамлакатларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича қўллаб келаётган ставкаларни қуйидаги 2-расмда кўришимиз мумкин.



### 2-расм. Айрим давлатларда қўлланилаётган ҚҚС ставкаси

Энг юқори солиқ ставка Венгрия давлатида 27 фоиз ва Швецияда 25 фоиз бўлса, энг паст солиқ ставкаси эса Сингапур ва Саудия Арабистонида 5 фоиз миқдорида белгиланган.

Ўзбекистонда билвосита солиқлар бўйича тушумларнинг асосий салмоғи қўшилган қиймат солиғига тўғри келади. Бунда жами тушган ҚҚС суммаси 37,1 трлн.сўми, шу жумладан солиқ идоралари томонидан ундириладиган ҚҚС суммаси 64 фоизни ва импорт қилинаётганда ундириладиган сумма эса 36 фоизни ташкил этганини 3-расмда кўриш мумкин.



### 3-расм. Солиқ ва божхона идоралари ундирган ҚҚС

2019 йил 1 октябрдан бошлаб ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан белгиланган ҚҚС бўйича имтиёзлар бекор қилинди. Шунингдек, пул айланмаси 1 млрд.сўмдан ортиқ бўлган ёки ер майдонлари 50 гектардан ортиқ бўлган ягона ер солиғи тўловчилари ҚҚС тўловчилари сафига ўтказилди. 2020 йилдан эса ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби бекор қилинди.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлиш учун меъерий чегара реализация обороти асосида жорий этилиши ҳисобига солиқ тўловчилар сонини 6,7 мингтадан 82 мингтагача ошди, солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига солиқ солинадиган базани сезиларли даражада кенгайтирилди. Ўтган йили солиқ идоралари томонидан йиғилган солиқ тушумининг 29%и ёки 6,7 трлн. сўми янги ҚҚС тўловчилар ҳиссасига тўғри келди [7].

Коронавирус пандемияси туфайли мамлакат иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида (ПФ-5978-сонли фармон) жорий йил 1 апрелдан 31 декабргача бўлган даврда товар (иш ва хизмат)ларни реализация қилиш айланмаси ойига 1 млрд.сўмдан ошмайдиган ва электрон ҳисоб-фактураларни тўлиқ қўллайдиган тадбиркорлик субъектларига ҚҚСни чораклик асосда ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқи тақдим этилди [8]. Мазкур талабга жавоб берадиган солиқ тўловчилар 2020 йилнинг II чорагидан бошлаб ҚҚС ҳисоботларини ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 20 июлгача, III чорак 20 октябргача ва IV чорак 2021 йил 20 январгача бўлган муддатда топширадилар.

Тадбиркорлик субъектларига ички бозорда реализация қилган товар маҳсулоти (иш ва хизматлари) бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартибини 2020 йил



1 июлидан бошлаб жорий этиш мўлжалланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, солиқ тўловчилар ихтиёрида 3,4 трлн. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолиши кутилмоқда. Қайд этиш жоизки, бундай тартиб фақат товар (иш, хизмат) экспорт қилинганда ҚҚС ноль даражали ставкасини қўллаш натижасида ҳосил бўлган манфий қолдиқ суммасини қайтариш учун қўлланилган. Солиқ қўмитаси пандемиянинг бизнес ва аҳолига таъсири юзасидан ўтказган сўровномада ҚҚСни қайтаришда респондентлар 53 фоиз муаммо йўқлиги, 16 фоизи тўловчи эмаслиги ва 31 фоизида муаммо мавжудлигини билдиришган [9].

Солиқ кодексининг 272-моддасига мувофиқ, ўрни қопланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҚҚС бўйича келгуси тўловлар ҳисобидан ҳисобга олинади. Солиқ тўловчи ўрни қопланиши лозим бўлган солиқ суммасини солиқ органларига солиқ суммасини қайтариш тўғрисида берилган аризага асосан қайтариш ҳуқуқига эга (274-модда). Бунда камерал солиқ текшируви натижасига кўра солиқ органи қайтариш тўғрисида қарор қабул қилса, бу суммаси солиқ тўловчига ариза берган санадан эътиборан 60 кундан кечиктирмай қайтарилиши лозим [10].

Лекин, айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга ҚҚС суммасини тезлаштирилган тарзда қайтариш каби энгилликлар берилган. Уларга солиқ ва молия идоралари томонидан қайтариш тўғрисидаги аризада кўрсатилган солиқ суммасининг ўрни 7 кун ичида тўлиқ ҳажмда қоплаб берилмоқда.

Хусусан:

- 1) йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирган юридик шахсларга;
- 2) солиқни қоплашга доир ариза билан бирга амалдаги банк кафолатини тақдим этган ёки солиқ органи билан гаров шартномасини расмийлаштирган солиқ тўловчиларга;
- 3) экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширадиган шахсларга, ноль даражали солиқ ставкасини қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган солиқнинг ошиб кетган суммалари қисмида;
- 4) чет эл дипломатик ваколатхоналарига ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарига;
- 5) маҳсулот тақсимотида оид битим иштирокчиларига, агар бундай битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса;
- 6) солиқ мониторинги иштирокчиларига.

Шунингдек, ҚҚС бўйича амалиётда дуч келинаётган бир муаммолардан бири бу – барча тадбиркорлик субъектларини ҚҚС тўлашга ўтмаганлигидир. Булар жумласига обороти 1 млрд. сўмдан паст ҳамда айланмадан солиқ тўловчи киради. ҚҚС тўлашдан қочиш мақсадида таъсисчилар томонидан корхоналарни ёпиш, ўрнига янгисини очиш ёки бизнесни бир нечта корхоналарга бўлиш каби ҳолатлар учрамоқда.

Бундан ташқари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида реализация оборотини яшириш ҳолатлари, яъни нақд пулга ишлаши, терминални қабул қилмаслик ёки терминалга 5-10% гача қимматроқ нарх белгилаши, савдо учун ҳисоб-китобларда CLICK, Рауме каби тўлов тизимлари орқали пул ўтказиш, бир яқка тартибдаги тадбиркор бир фаолияти бўйича гувоҳномасини ёпиб, бошқасига ЯТТ очиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бу эса қонуний ишлаётган ҚҚС тўловчиларни соғлом рақобат қилиш имкониятини чекламоқда.

Ўрганиш натижалари қўшилган қиймат солиғи тўловчиларининг деярли 1/3 қисмида маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган ҚҚС суммасини бюджетдан ўз вақтида қайтариб ололмаганини ҳамда ички бозорда маҳсулот сотадиганларга эса ҚҚС жорий йил бошидан эмас, балки 1 июлидан қайтариш белгилангани натижасида уларда айланма маблағи етишмаслигига ва молиявий қийинчиликларга сабаб бўлаётгани кузатилди.

#### **Хулоса ва тавсиялар**

Хулоса қилиб айтганда, билвосита солиқ лар таркибида қўшилган қиймат солиғининг “занжир” узилмаслиги ва солиқдан тўлашдан қочиш ёки яширин фаолият олдини олиш ҳамда истеъмолчиларга солиқ юкини янада пасайтириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисолаймиз:

- барча тадбиркорлик субъектларини чегаравий меъёр миқдорини қўллагандан 1-2 йил ичида ҚҚС тўлашга тўлиқ ўтказиш;
- амалдаги қўшилган қиймат солиғининг 15 фоизли ставкасини уч пунктга пасайтириш;
- яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларини янада қисқартириш, жумладан чакана савдо ва товарлар импорти билан фақат юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширишга руҳсат бериш;
- барча ҚҚС тўловчиларга аризада кўрсатилган солиқ суммасининг ўрни суммасини тезлаштирилган тарзда 7 кун ичида тўлиқ ҳажмда қайтариш тартибини жорий этиш.
- харид қилинган асосий воситалар учун мол етказиб берувчига тўланган қўшилган қиймат солиғини бюджет билан ҳисобга олиш имконини бериш.

Юқорида келтирилган хулоса ва тавсиялар амалиётга жорий этилиши, ўз навбатида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сони ҳамда унинг ҳисобига республика бюджетига тушумларнинг ўсиши, товар (иш ва хизмат)ларнинг таннархини пасайиши, тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳити вужудга келиши ва охириги истеъмолчига эса солиқ юқини камайтириш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasu-28-12-2018>
2. Черник Д.Г., Починок А.П., Морозов В.П. Основы налоговой системы –М.:Финансы. Учебное пособие.1998.-370с.
3. И.Майбуров, Е.Ядренникова, В.Загвоздина, Ю.Леонтьева, А.Лазуренко, Е.Мишина. Налоговые и таможенные платежи. Учебное пособие. Уральский федеральный университет имени первого Президента России Б. Н. Ельцина. Екатеринбург Издательство Уральского университета 2017. стр.21 [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/52268/1/978-5-7996-2097-4\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/52268/1/978-5-7996-2097-4_2017.pdf)
4. Абдурахмонов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой. Монография. – М.: Полеотип, 2005.-14-15с.
5. Хайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Академия, 2007.—21-22б.
6. Хотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси учун автореферат. 2016. <http://library.ziyonet.uz/uz/book/download/72205>
7. [https://static.norma.uz/official\\_texts/2019\\_ЙИЛНИНГ\\_ДАСТЛАБКИ\\_ЯКУН\\_ЛАРИ.pdf](https://static.norma.uz/official_texts/2019_ЙИЛНИНГ_ДАСТЛАБКИ_ЯКУН_ЛАРИ.pdf)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5978-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
9. <https://soliq.uz/press-services/news/show/pandemiyaning-biznes-va-aholiga-tasiri-organildi>
10. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Абдуллаева Аломатхон Рахманбердиевна

Тошкент шаҳридаги ММФИ

"Миллий тадқиқот ядро университети" федерал давлат автоном

Олий таълим муассасаси филиали, ҳисобчи

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*For citation: Abdullaeva Alomatxon Raxmanberdievna. THE SPECIFICS OF TAXATION OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.5. Issue 3. pp:27-33*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-5-4>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида қўлланиладиган акциз, ҚҚС каби солиқларнинг, божхона божлари ва йиғимларининг ҳуқуқий асослари, қўлланилиши ва ставкалари ўрганилган.

Тадқиқот натижасида мамлакатга импорт орқали кириб келаётган товарларга нисбатан солиқ, бож ва йиғимларнинг ошиши миллий маҳсулотлар сифатининг тушиб кетишига ҳам олиб келиши мумкинлиги келтирилган.

**Калит сўзлар:** божхона, экспорт, импорт, акциз, қўшилган қиймат солиғи, божхона божи, божхона йиғими.

## THE SPECIFICS OF TAXATION OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ABSTRACT

The article examines the legal basis, application and rates of taxes, customs duties and levies, such as excise and VAT, applied in the foreign economic activity of Uzbekistan.

The study found that an increase in taxes, duties and levies on imported goods could also lead to a decline in the quality of domestic products.

**Keywords:** customs, export, import, excise, value added tax, customs duty, customs duty.

## СПЕЦИФИКА НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются правовые основы, применение и ставки налогов, таможенных пошлин и сборов, таких как акцизы и НДС, применяемых во внешнеэкономической деятельности Узбекистана.

Исследование показало, что увеличение налогов, пошлин и сборов на импортные товары также может привести к снижению качества отечественной продукции.

**Ключевые слова:** таможня, экспорт, импорт, акциз, налог на добавленную стоимость, таможенная пошлина, таможенная пошлина.

## Кириш

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш куйидаги йўллар билан амалга оширилади:

ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;

валюта билан тартибга солиш;

солиқ билан тартибга солиш;

тариф ва нотариф тартибга солиш;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш;

ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан, миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;

экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб қилинадиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини белгилаш;

ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуролини (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва захарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракеталар ва ялпи қирғин қуролини етказиб беришга қодир бошқа техника воситаларини), бошқа турдаги қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникани яратишда муҳим ҳисса қўшиши мумкин бўлган, экспорт назорати объектлари рўйхатларида кўрсатилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш;

олиб кириладиган ва олиб чиқилладиган товарларни сертификатлаш;

техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария, экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормаларини белгилаш;

ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Халқаро савдонинг либерал назариялари нуқтаи назаридан ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бундай усуллари протекционизм ҳисоблансада, давлат томонидан мамлакатда фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда миллий бозорни ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бундай усуллар самарали воситалардан ҳисобланади. Бундай ташқи савдони тартибга солишда қўлланиладиган усулларга тариф ва нотариф усуллар киради.

Тариф усулларга-экспорт, импорт ва транзит жараёнларида қўлланиладиган солиқлар ва бож тарифлари киритилади.

Нотариф усуллар сифатида мамлакатга олиб кириладиган ёки олиб чиқилладиган товарларга нисбатан қўлланиладиган турли миқдорий, молиявий, яшириш ва ноиқтисодий усуллар тушунилади. Булар жумласига квоталар, лицензиялар, экспортни ихтиёрий чеклаш каби чоралар киради.

Ўзбекистонда ташқи савдо операцияларини тартибга солишда экспорт, импорт ва транзит божлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз ва божхона йиғимлари қўлланилади.

## Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Ташқи иқтисодий фаолият операцияларини солиққа тортишнинг назарий ва амалий асосларини кўплаб хорижлик ва маҳаллий олимлар тадқиқ этган.

Маҳаллий олимларимиздан Ф.Шарипов [1] илмий тадқиқотида экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий ва амалий таклифлар келтирилган.

М.Камилов [2] тадқиқотида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизми ва экспорт-импорт операцияларини бажаришда солиққа тортиш тартибидаги муаммолар алоҳида тадқиқ қилинган.

Д.Абдиқаримова [3] ўз илмий ишида технологик ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада ажратилаётган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида ускуналарни қабул

қилиш билан бирга экспорт операцияларини ва шартномаларини ҳам ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиққан.

Н.Кўзиева [4] тадқиқотларида экспорт операциялари билан шуғулланувчи модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини амалга оширувчи корхоналарга қўшимча имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилган.

#### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёни кенг қамровли бўлиб, назарий-услубий тадқиқотларни, амалий изланиш ва таҳлилларни ўз ичига олади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган солиқ ва божларни тадқиқ ва таҳлил этишда кабинет тадқиқот усулидан кенг фойдаланилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ ҳамда Божхона кодекслари ўрганилиб, таҳлил натижалари илмий мақолада келтирилган.

#### Таҳлил ва натижалар

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида экспорт, импорт ва транзит бож ҳамда солиқлари қўлланилади.

Товарларни экспорт режимида олиб чиқиш экспорт божи ва бошқа божхона тўловлари тўланган, иқтисодий сиёсат чораларига риоя этилган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар бажарилган тақдирда амалга оширилади.

Экспорт режимида олиб чиқилаётганда товарлар солиқлардан озод этилади ёхуд тўланган солиқлар суммаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарилиши лозим.

Товарлар экспорт режимида чиқарилаётганда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига, товарлар ҳолатининг табиий эскириш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришларни истисно этганда, божхона декларацияси қабул қилинган кунда қандай бўлса, шундай ҳолатда олиб чиқилиши лозим.[5]

Ўзбекистон Республикасида товарларни импорт қилиш жараёнида солиқ тўланадиган базага белгиланган божхона қиймати, товарларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғи ва божхона божларининг суммаси киради.

Транзит шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан чет давлат ҳудуди орқали, бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлланмасдан божхона назорати остида олиб ўтилади.




**1-расм. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган, акциз солиғи солинадиган товарларга нисбатан акциз солиғи ставкалари (фоизда) [7]**

Товарларни транзит режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиш божхона органининг рухсати билан исталган йўллар ва йўналишлар бўйича амалга

оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига акциз қилинган товарларни импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар акциз солиғи тўловчилар ҳисобланади. Акциз тўланадиган товарлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланади.[6]



## 2-расм. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган, акциз солиғи солинадиган товарларга нисбатан акциз солиғи ставкалари (сўмда) [7]

2017 йил 10 сентябрдан 42 турдаги товарлар позицияси бўйича божхона божлари бекор қилинган, саккиз номдаги товарлар акциз солиқлари тўлашдан озод этилди.

Полиэтилен гранулалар, табиий газ, мобил алоқа воситалари, заргарлик буюмларига нисбатан 2020 йилда акциз солиғи ставкаси товар божхона қийматига нисбатан фоизларда белгиланди (1-расм). Спиртли ичимликларга нисбатан 2020 йилнинг 1 январ, 1 апрели ва 1 октябри учун ўсиб бориш қийматида акциз солиғи сўмда белгиланди (2-расм).

Аммо қонуности ҳужжатларига мувофиқ истесно ҳолатлар ҳам мавжуд. Жумладан:

- «Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газ, қимматбаҳо металлларга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

- импорт қилинадиган шакарга (оқ рангли, хушбўй таъм ёки ранг берувчи қўшимчалар қўшилмаган, ТИФ ТН коди 1701 99) 20%лик ставка бўйича солиқ солинади

- импорт қилинадиган сув, муз ва қорга (ТИФ ТН коди 2201) ставка 50%гача оширилади, бироқ бир литр учун 0,25 АҚШ доллари кам бўлмаган миқдорда белгиланади. 2019 йилда у божхона қийматининг 25%ини ташкил қилган;

- 2020 йил 1 январдан бошлаб солиққа тортиладиган товарлар рўйхатига электр автомобиллари киритилди. Акциз солиғи тўланмаган ҳолда, улар божхона қийматининг 10 фоизини тўлашлари керак.

- импорт қилинадиган, ишлаб чиқарилганига 2 йил бўлган, эквивалентда 40 минг АҚШ доллари ва ундан ортиқ қийматга эга енгил автомобилларга (ТИФ ТН кодлари 8703 22, 8703 23, 8703 23 194 0, 8703 24, 8703 31, 8703 32, 8703 33) қўлланилган божхона қийматининг 20%и миқдордаги имтиёзли ставка бекор қилинди.[8]


Ташқи иқтисодий фаолиятда қўшилган қиймат солиғини тўловчилар товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслардир.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сонли Фармонига мувофиқ 2020 йил учун 15 фоиз қилиб белгиланган [8].

Божхона тўловларини қўллашнинг асосий мақсади – иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга замин яратиш, унинг рақобатдошлигини тубдан оширишга қаратилиши керак ва улар ҳозирги кунда:

- республикаимизга олиб кирилаётган товарларнинг муқобил таркибини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш ва истеъмол таркибида илгор ўзгаришлар бўлиши учун шарт-шароит яратиш;
- мамлакатимиз иқтисодиётини носоғлом чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш;
- товарларни импорти ва экспорти, валюта даромадлари ҳамда сарфларининг мутаносиблигини қўллаб-қувватлаш;
- миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашуви учун шарт-шароит яратиш каби вазифаларни ҳал этади.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида божхона йиғимлари ставкаси 5 та позицияси [9]

Ўзбекистон Республикасида импорт товар божхона қийматининг 5 фоиздан 70 фоизгача бўлган даражада адвалор тарифлар қўлланилади. 2020 йил 1 январдан бошлаб нол ставкаси қўлланиладиган 300 дан ортиқ турдаги товарларни олиб киришда бож ставкаси ўрнатилди. Бундай товарларни олиб кириш учун товар қийматининг 5% ва ундан юқори миқдорда тўлаш керак бўлади. Бундан ташқари, 2020 йил 1 январдан бошлаб бир қатор импорт қилинадиган товарларга божлар ҳам оширилди.

Ўзбекистон Республикасида божхона йиғимлари ставкаси 5 та позицияни ўз ичига олади.

Товарларни «давлат фойдасига воз кечиш», «йўқ қилиш», «вақтинча сақлаш», «божхона транзити» режимларида божхонада расмийлаштирилганлик учун йиғимлар ундирилмайди.

Товарларни дастлабки декларациялаш йўли билан расмийлаштиришда божхона расмийлаштируви учун йиғим бир марта, фақат дастлабки декларациялаш пайтида ундирилади.

Ҳисобланган йиғимларнинг умумий суммаси транспорт воситаси «эркин муомалага чиқариш» божхона режимига жойлаштирилганда тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари суммасидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасида солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари, тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент (лицензия) тўловлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган

бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда қўлланиладиган базавий ҳисоблаш миқдори – 223 000 сўмни ташкил этади.[10]

Мамлакатда пандемия даврида инқирозларни олдини олиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йилнинг охирига қадар спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун акциз солиғи, шунингдек, бензин, дизель ёқилғиси ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғининг амалдаги ставкалари сақланиб қолинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда 2020 йил 31 декабрга қадар божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланадиган товарлар рўйхати эълон қилинди. Ушбу рўйхатдан ТИФ ТН коди 0207, 0402, 0405, 0407, 0703, 0706, 070700, 110100, 1104 ва бошқалар бўлган товар позициялари ўрин олган. [11] Ушбу чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир.

### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни, хусусан, импорт жараёнларини амалга ошириш харажатлари юқори ҳисобланади. Бунинг натижасида:

- импорт харажатлари ошиб кетади ва истеъмолчи (жисмоний шахс)ларнинг танлов имкониятлари чекланади;
- аммо махсус имтиёз доирасига киритилган тадбиркорлик субъектлари учун нархлар орқали рақобатбардошликни ушлаб туриш имкони юзага келади.

Ўзбекистоннинг импорт жараёнидаги харажатларини қисқартириш учун:

- импорт озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан тарифларни 0 ставкага қадар пасайтириб, уларга қўйиладиган стандартларни аниқлаштириш керак;
- Импорт жараёнида нефт ва таркибида нефт бўлган маҳсулотлар, спирт ва таркибида спирт бўлган маҳсулотлардан ташқари барча маҳсулотларнинг акцизларидан воз кечиш.

Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлмагунча, давлатнинг ташқи савдо сиёсати импортни вақтинча чеклашга ва ялпи миллий даромадни ошириш мақсадида шунга ўхшаш маҳаллий товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга қаратилади. Аммо бу жараён миллий маҳсулотлар сифатининг тушиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин.

Протекционизмни либераллаштириш ва рад этиш 2022–2030 йилларга мўлжалланган.

Биринчи босқич иқтисодиётни янги шароитлар ва бозор механизмларига мослашиши кутилмоқда.

Иккинчи босқичда мамлакатимизнинг ЭЭИ ва ЖСТга аъзо бўлишини изчил ўрганиш, савдо сиёсати ва экспортни либераллаштириш, савдо-сотикқа оид бўлмаган тўсиқларни қайта кўриб чиқиш ва уларни ЖСТ келишувлари ва меъёрларига мувофиқлаштириш режалаштирилган.

Ва ниҳоят, 2026–2030 йилларда амалга ошириладиган учинчи босқич, ЖСТ доирасида экспортга йўналтирилган савдони, эришилган келишувлар доирасидаги имтиёزلарни ҳисобга олган ҳолда, протекционизмсиз янада ривожлантиришни таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Шарипов Ф. Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т. БМА. 2008 й.
2. Камиллов М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т. БМА. 2007 й.
3. Абдиқаримова Д. Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т. ТМИ. 2018 й.
4. Н.Р.Кузиева. Ўзбекистонда экспорт операцияларини молиявий рағбатлантириш масалалари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил



5. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 19-21 моддалар
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон Қонунига 8-илова.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сонли Фармони
9. [https://www.norma.uz/uz/nhh\\_loyihalari/2019\\_yil\\_1\\_yanvardan\\_bojhona\\_yigimlari\\_maqbullash\\_tirishning\\_navbatdagi\\_varianti#](https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/2019_yil_1_yanvardan_bojhona_yigimlari_maqbullash_tirishning_navbatdagi_varianti#)
10. [https://www.norma.uz/uz/poleznaya\\_informaciya/e\\_k\\_i\\_h\\_dinamikasi](https://www.norma.uz/uz/poleznaya_informaciya/e_k_i_h_dinamikasi)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон Фармони.

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Бердиева Угулой Абдурахмановна  
Тошкент Молия институти  
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси  
катта ўқитувчиси, PhD  
Ugiloy555@gmail.com

## СОЛИҚ КЛАСТЕРЛАРИ – ЗАМОНАВИЙ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ

*For citation: Berdieva Uguloy Abduraxmanovna. TAX CLUSTERS - AN EFFECTIVE INSTRUMENT OF MODERN TAX MANAGEMENT. Journal of innovations in economy. 2020. Vol. 5. Issue 3. pp: 34-40*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-5-5>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада солиқ маъмуриятчилигининг самарали воситалари қаторида солиқ кластерларини ташкил этиш илмий тадқиқи зарурлиги ёритилган, солиқ тизими модернизациясининг муҳим векторларидан бири сифатида солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминлаш, солиқ кластерларини жорий этиш масалалари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** солиқ ислохотлари, солиқ тизими модернизацияси ва унинг асосий йўналишлари, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ кластерлари, солиқ мониторинги хизмати, интизомли солиқ тўловчи - хўжалик субъектлари ва уларни рағбатлантириш.

## TAX CLUSTERS - AN EFFECTIVE INSTRUMENT OF MODERN TAX MANAGEMENT

### ABSTRACT

The article reveals the need for a scientific study of the formation of tax clusters, its causes and factors, the issues of ensuring the effective functioning of tax administration, as one of the main vectors of modernization of the tax system, the introduction of tax monitoring services.

**Keywords:** tax reforms, modernization of the tax system and its main vectors (directions), tax administration, tax clusters, tax monitoring service, disciplined taxpayers-business entities and their incentives.

## НАЛОГОВЫЕ КЛАСТЕРЫ - ЭФФЕКТИВНЫЙ ИНСТРУМЕНТ СОВРЕМЕННОГО НАЛОГОВОГО УПРАВЛЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье подчеркивается необходимость научных исследований по организации налоговых кластеров как эффективного инструмента налогового администрирования, вопросам обеспечения эффективной работы налогового администрирования, внедрению налоговых кластеров как одного из важных векторов модернизации налоговой системы.

**Ключевые слова:** налоговые реформы, модернизация налоговой системы и её основные векторы (направления), налоговое администрирование, налоговые кластеры, служба налогового мониторинга, дисциплинированные налогоплательщики-хозяйствующие субъекты и их стимулирование.

### **Кириш**

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти уни ташкил этувчи минтақалар иқтисодиётининг ривожланиш ҳолатига бевосита боғлиқдир. Мамлакат тараққиёти ўзаро яхлитликда, ҳудудий иқтисодий барқарорликни таъминлашни тақозо этади. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланишида ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий-хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, шунингдек бюджет даромадларини мустақамлаш юзасидан олиб борилаётган тизимли чоратadbирларни изчил давом эттириш, ҳудудлар иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳудудлар иқтисодий салоҳият ва имкониятларига ҳамда субъектлар фаоллигига боғлиқдир. Ҳудудлар кесимида ижтимоий-иқтисодий харажатларнинг асосий қисми солиқлар воситасида молиялаштирилади. Шу сабабли, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш ҳолати ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда, ҳудудий солиқ сиёсатини юритишда субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда солиқ механизмдан оқилона фойдаланиш ҳозирги шароитда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда устувор аҳамият касб этади.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ юкини кескин пасайтириш, солиққа тортиладиган объектларни тўлиқ камраб олиш ва солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш орқали тегишли бюджетлар даромад базаларини мустақамлаш, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг солиқ маъмуриятчилиги механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши сифатида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш белгиланган бўлиб, унда солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги шароитда ҳудудлар миқёсида солиққа тортиш самарадорлигини комплекс оширишга қаратилган амалий тавсияларнинг аҳамиятининг ўсганлиги солиққа оид маълумотлар базасини янгича мушоҳада этиш ва бюджет даромадларини кўпайтиришнинг янги имкониятларини қидириб топиш шу кунгача инновацион ёндашув кўринишини ифодаловчи ҳудудлар бўйича солиқ кластерларини қўллаш амалиётини жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

“Кластер - бу бир тармоқ корхоналарининг горизонтал интеграциялашув доирасида ёки турдош тармоқлар корхоналарининг вертикал интеграция доирасидаги интеграцион бирлашувидир” ...[7, 17].

“Иқтисодиёт кластерлашуви унда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишга имкон беради. Солиқлар давлат томонидан даромадларни тақсимлаш механизми орқали тадбиркорликни тартибга солишнинг муҳим қуролидан бири ҳисобланади. Давлат солиқлар орқали кластерлаш жараёнининг суръатига бевосита таъсир этади...[8, 34].

“Кластерлаш жараёнининг устувор йўналиши бўйича миллий иқтисодиёт ёки ҳудудий иқтисодиёт миқёсида махсус солиқ режими жорий этилиши мумкин... [9, 11].

“Кластерлаш ҳуфиёна иқтисодиёт улушини камайтиришнинг муҳим қуроли ва самарали воситаси ҳисобланади. Кластерлар учун бериладиган солиқ имтиёзлари кластер

таркибига кўп бизнес вакилларининг киришини ва шу билан ҳам ҳуфиёна бизнес кўламини камайтиришни таъминлайди ... [10, 64].

Иқтисодиёт тараққиётида кластерлар ва кластерлашув жараёнининг солиқ масалалари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон амалиётида ҳам янги ўрганилаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бундан ташқари солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, унинг самарали воситаларини ҳаётга тадбиқ этиш чоралари ҳам Ўзбекистон Республикасида илк шаклланиш босқичида эканлигини эътиборга олсак, кластерлаш жараёнига оид, унинг иқтисодиёт айрим тармоқлари ва ҳудудий иқтисодиёт ривожига аҳамиятини асословчи нашрларнинг илк намуналаринигина учратмоқдамиз. Айнан солиқ амалиётида солиқ кластерларини шакллантириш ва улар фаолиятини ташкил этиш масалалари 2019-2023 йилларга мўлжалланган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш Концепциясида илк бор кўриб ўтилди...[6, 18].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2019- “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурининг 3.6. йўналиши 89-бандида “пахта, ғалла ва мева-сабзавот етиштириш йўналишидаги кластерлар фаолияти ва тараққиётини ҳар тарафлама кўллаб-қувватлаш масаласи” топширилди ...[1, 13].

Мамлакатимизда “инновацион-ҳудудий кластерлар тараққиётини давлатнинг самарали тадбирлари, шу жумладан махсус имтиёзли солиқ режимини кўллаш орқали рағбатлантиришнинг кенг қамровли тизими 2030-йилда мамлакатимизни кучли давлатларнинг 50 талик рўйхатидан жой олишини таъминлайди ...[6, 2].

Ҳозирги кунда солиққа тортишнинг ҳудудий жиҳатлари молия, солиқ муносабатлари соҳасидаги фаннинг замонавий йўналишларидан ҳисобланади. Солиқ соҳасида ҳудудий миқёсда юз бераётган жараёнларнинг мазмунини очиб беришга ва солиққа тортиш жараёнини бошқаришнинг аналитик қуролларини такомиллаштиришга имкон берувчи янги назариялар яратилишига, янгича ёндашув ва ғояларни ишлаб чиқишга кучли эҳтиёж сезилмоқда [6,76-77].

#### **Тадқиқот методологияси**

Солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, жумладан, солиқлар ва тўловларни йиғишда, солиқ солинадиган базани кенгайтиришда ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммолар мавжудлиги ва бу эса ўз навбатида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли Фармонида, “.....солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда”[3] - деб кўрсатилиб ўтилган.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узок йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида кўзда тутилган йирик ҳажмдаги вазифаларни амалга оширишда, солиқ тизимини қуйидаги йўналишларини стратегик ривожланишини режалаштириш зарурияти талаб қилинади:

-идоралараро ахборот алмашилиш тизимининг, етарли даражада такомиллашмаганлиги солиқлар ҳисобини юритиш сифатини ёмонлаштиради, бу ўз навбатида солиқ базасини кенгайтиришга тўсқинлик қилиб, давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг барқарор тушиб туришини таъминламайди;

-солиқ кодекси тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат бўлмасдан, солиқ қонунчилиги меъёрлари бошқа бир қатор қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда;

-солиқ тизимини оптималлаштириш, вертикаль назорат тизимини ва солиқ органлари ваколатларини такомиллаштирилмаганлиги, солиқ соҳасида институционал ислоҳотларнинг амал қилиши даражаси қониқарсиз даражада қолишига сабаб бўлмоқда;

-солиқ юкининг тақсимланишидаги юқори тафовут, умумбелгиланган ва соддалаштирилган режимларда солиқ тўловчилар ўртасидаги катта фарқ, бизнеснинг майдалашиб кетишига сабаб бўлмоқда, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнларининг тор доирада қолиб кетишига, маҳсулот рақобатбардошлигининг пасайиб унинг “яширин” иқтисодиётга ўтиб кетишига сабаб бўлмоқда;

-солиқ тўловчилар талаблари қондирилишининг паст даражадалиги, қонунчилик меёрларига амал қилишнинг ортишига ва улар билан ишончли ҳамкорликни ўсиб боришига тўсқинлик қилмоқда;

-солиқ режимларига талаб даражасида амал қилинмаслиги, бюджетга солиқ тушумлари даражасининг ошишига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланиб, жаҳон бозорларида капитал қўйилмалар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилмоқда;

-солиқ имтиёзлари ва преференцияларини тақдим этишда аниқ мезон ва шаффоф механизмларнинг йўқлиги, индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзларнинг ўсиб кетишига, ташаббус ва ишчан фаолликнинг йўқлиги миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ёмонлаштирмоқда;

-мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида “яширин” иқтисодиёт улушининг салмоқли даражада қолаётганлиги, солиқ юкини янада пасайтириш ва бизнесни ташкил қилиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш учун тўсик бўлмоқда;

-солиқ хизмати органлари инфраструктурасида манан ва жисмонан эскирган информацион технологиялар салмоғининг юқорилиги, солиқ тизимини автоматлаштириш даражасининг пастлигига ва солиқ маъмурчилигига замонавий рақамли инновацион технологияларни жорий этиш, шунингдек қонунчилик меёрларига амал қилишда рискларни бошқариш учун тўсқинлик қилувчи ҳолат бўлиб қолмоқда;

-юқори натижаларга эришадиган эталон-мамлакатларнинг илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланмаслиги, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида корпоратив бошқариш, корпоратив муносабатлар ва тамойилларнинг ривожланмаслигига сабаб бўлмоқда;

-давлат солиқ хизмати органларида профессионал кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ва ходимларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш масалаларининг сезиларли даражада пасайиб кетгандиги ходимлар фаолияти самарадорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар мамлакат солиқ тизимини жадал риволанишига, инвестицияларни жалб қилишга, иқтисодиётни, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан. 2019-2023 йилларда солиқ маъмурчилигини ислоҳ қилиш Стратегиясини ишлаб чиқиш Ўзбекистонни мақсадли ривожлантиришга эришишда муҳим шартларидан бири ҳисобланди.

Стратегиянинг бош мақсади иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширувчи асосий фактор сифатида, инвесторлар ва тадбиркорлар учун юқори даражада қулай шарт-шароитлар яратиш жараёнларни юқори автоматлаштирилган ва солиқ тўловчиларнинг талабини қондиришга йўналтирилган юқори даражада ташкил этилган замонавий сервис хизматларини ташкил этишдан иборат.

Бош мақсадга эришиш учун қуйидагилар Стратегиянинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

-солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга асосланган, талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган ишончли ҳамкорликни ташкил этиш;

-замонавий солиқ маъмурчилигини ташкил этиш ҳисобига солиқ тушумларини барқарор тушишини таъминлаш;

-далат солиқ хизмати органларининг информацион ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва кадрлар сифатини яхшилаш ҳисобига кўрсатиладиган солиқ хизматлари сифатини ошириш;

-иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, инвесторлар ва тадбиркорлар учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш учун солиқ юкини камайтириш, ихчам, содда ва барқарор солиқ тизимини жорий этиш.

### **Таҳлил ва натижалар**

Иқтисодиёт тараққиётида кластерлар ва кластерлашув жараёнининг солиқ масалалари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон амалиётида ҳам янги ўрганилаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бундан ташқари солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, унинг самарали воситаларини ҳаётга татбиқ этиш чоралари ҳам Ўзбекистон Республикасида илк шаклланиш босқичида эканлигини эътиборга олсак, кластерлаш жараёнига оид, унинг иқтисодиёт айрим тармоқлари ва ҳудудий иқтисодиёт ривожига аҳамиятини асословчи нашрларнинг илк намуналаринигина учратмоқдамиз. Айнан солиқ амалиётида солиқ кластерларини шакллантириш ва улар фаолиятини ташкил этиш масалалари 2019-2023 йилларга мўлжалланган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш Стратегиясида илк бор кўриб ўтилди”[4].

Кластерлаш назариясининг янги жиҳатлари, шу жумладан ҳудудий миқёсда солиққа тортиш амалиётининг самарадорлигини ошириш, унинг тизимли муаммоларини бартараф этиш аҳамиятининг ўсганлиги солиққа тортишни бошқаришнинг аналитик воситаларини такомиллаштиришга имкон берувчи ҳудудий солиқ кластерларини шакллантириш мезонлари ва омилларини, таҳлил қилиш ва баҳолаш услубиётини ишлаб чиқишлини талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳудудий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳудудлар бўйича солиқ кластерларини назарий асослаш ва амалий қўллашга оид давлатнинг тезкор тадбирлари қаторида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим:

-солиқ кластерларидан фойдаланиш йўналишларини шакллантириш;

-кластер жараёнлари асосида ҳудудлар солиқ ҳолатини яхшилаш, солиққа тортишни бошқаришни такомиллаштириш учун кластерли ёндашувнинг устувор имкониятлари ва устунликларини аниқлаш.

Ҳудудларни солиқли кластерлашнинг мақсади - Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг солиқ ҳолати кўрсаткичларини ҳар томонлама яхшилаш, тегишли ҳудудларда солиққа тортишни бошқаришни такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини солиқли кластерлаш натижалари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-мамлакат ҳудудлари таркибидан унинг гуруҳий хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи билан ажралиб турувчи тегишли солиқ кластерларининг шаклланишлари;

-улар таркибидан функционал пропорционаллик мезонига максимал даражада жавоб бера оладиган кластерларнинг танланиши ва улар тажрибаларининг бошқа ҳудудларда кенг татбиқ этилиши;

- аниқ олинган кўрсаткичлар ва уларнинг чегаравий даражалари асосида ҳудудларнинг солиқ ҳолати етарлилик даражасини аниқлаш учун кластерларнинг якуний марказларини аниқлаш.



Давлатнинг фискал сиёсати сақлаб қолинади ва кластерлар учун тўсик ёки рағбатлар кўзда тутилмайди.

Кластерлар учун солиққа тортишнинг амалдаги режими сақлаб қолинади. Унинг таркибига кириш истагидаги корхоналар сони ошади ва бу билан кластерлашув даражаси ошишига эришилади. Тадбиркорлик ривожидан давлат бюджети ижтимоий дастурларини таъминлайди.

Давлат Республикада кластерлашиш жараёнини солиқ орқали рағбатлантиришнинг кўшимча фискал тадбирлари тизимини жорий этади ва бу билан кластерлашув даражаси кескин ошади, фискал муаммо кескинлашади, яъни жорий даромад базаси камайиши кузатилади, бироқ тадбиркорликни ривожланиш истиқболлари ва кутилаётган иқтисодий ўсиш орқали давлат бюджети даромад базасининг ўсиш истиқболлари очилади ва бу билан ижтимоий дастурларни кенгайтириш имкони юзага келади.

Мазкур сценарий доирасида давлат кластер тузилмаларига кирган корхоналар учун кўшимча солиқ имтиёзларини белгилайди, бу билан кластерлар ривожланиши рағбатлантирилади, лекин бошқа корхоналар учун зарарлар кўришга олиб келади, бизнес банкротлигининг янги тўлқинлари юзага келади, давлат бюджетига тушумлар камаяди, нафақат узоқ муддатли, балки қисқа муддатли ижтимоий дастурлар ижроси ҳам тахлика остида қолади.

### **1-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат фискал сиёсатидан келиб чиқиб иқтисодий кластерлашни амалга ошириш сценарийлари**

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида кластерлашни амалга оширишнинг муҳим ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилаётганлигига қарамай, ушбу жараёнлар истиқболлини давлат фискал вазифалари билан боғлиқ тарзда ўрганиш муҳимдир. Шу боисдан давлатнинг мазкур иқтисодий кластерлашда солиқ омилининг иштироки ва фискал натижани баҳолаш долзарб аҳамият касб этади.

Кластерлаш назариясининг янги жиҳатлари, шу жумладан ҳудудий миқёсда солиққа тортиш амалиётининг самарадорлигини ошириш, унинг тизимли муаммоларини бартараф этиш аҳамиятининг ўсганлиги солиққа тортишни бошқаришнинг аналитик воситаларини такомиллаштиришга имкон берувчи ҳудудий солиқ кластерларини шакллантириш мезонлари ва омилларини, таҳлил қилиш ва баҳолаш услубиётини ишлаб чиқишини талаб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий кластерлашни амалга ошириш сценарийлари мамлакатимизда солиқ тизими модернизациясининг бош мақсадига мувофиқ келади ҳамда тадбиркорликни ривожланиши, иқтисодий ўсиши орқали давлат бюджети даромад базасининг ўсиши таъминланади.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини солиқ кластерлари асосида гуруҳлаш информацион ресурсларнинг кўшимча элементи бўлиб, у маҳаллий ҳокимият органларига солиққа тортишни жараёнини бошқаришда бирмунча тўғри ва асосли қарорлар қабул қилишга имкон беради. Мазкур тадбир илмий тадқиқотлар ва амалий ишланмалардаги тавсияларга кўшимча тарзда новаторлик асосида солиққа тортиш соҳасида илғор ҳудудларни баҳолаш ва танлаб олиш, уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва кенг жорий этиш имконини беради. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларини оширишнинг янги заҳираларини ишга туширишга, солиқ барқарорлигини таъминлаш вазифаларини янада кўпроқ ҳал этишга, ҳудудлар ўртасида солиқ салоҳияти нотекис тақсимоти ва кескин тафовутланишини камайтиришга эришилади.

Кластерлашни қўллашнинг мантиқан ва услубий жиҳатдан зарурлиги ва имкониятлиги уни солиққа тортиш тизимини ва келгусида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини бошқаришнинг таъсирчан куралига айлантиради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, 8-илова.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 июнь 2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси» тўғрисидаги №ПФ-5468-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон қарорига мувофиқ “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”.
5. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш Стратегияси. “Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами”, 24 сентябрь 2018 й., N 38, 764 б.
6. Боймуродов С.Р. Солиқ сиёсатидаги 2019 йил ўзгаришлари.// ”Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устивор йўналишлари” мавзусидаги конференция материаллари, Т.: ТМИ, 2019.
7. Воробьева Д.Ж. Налоговая кластеризация регионов: методология и принципы формирования. Монография. – М.: Дело и сервис, 2017.-343с.
8. Иванова Д.Р. Принципы и факторы формирования территориальных налоговых кластеров // Налоговые реформы. - 2017. - № 4 (24). - с.23-27.
9. Ципко М.И. Критерии оценки и система показателей налоговых кластеров// Налоговый учет и анализ, 2016., №2, с.15-19
10. Вылкова Е.С., Тарасевич А.А. Комплексная система налоговых показателей для кластер-процедур на уровне субъектов РФ. //Вестник Бурятского государственного университета. Экономика и менеджмент. 2014, №3, с.34-43



# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**Бабаджанов Абдирашид Мусаевич**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти, доцент.  
иқтисод фанлар номзоди., катта илмий ходим.  
E-mail: pirbobo@mail.ru

## АГРАР СОҲАДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ: ИННОВАЦИЯ

*For citation: Babadjanov Abdirashid Musaevich. THE MAIN DIRECTIONS OF FINANCING RESEARCH WORK IN THE AGRARIAN SECTOR: INNOVATION. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.5. Issue 3. pp: 41-50*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-5-6>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада аграр соҳа илмий-тадқиқот ишларни молиялаштиришнинг асосий йўналишларидаги мавжуд муаммолар аниқланди ва тадқиқотларга йўналтирилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш масалалари хусусида сўз юритилган.

Соҳада биргина илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш билан чегараланмасдан, балки уни жорий қилиш ва илмий маҳсулот истеъмолчиларининг билимларини оширишни ҳам асосий йўналишлардан бирига айлантиради. Илмий муассасаларини малакали илмий кадрлар билан таъминлаш ва соҳани илмий асосда ривожланишига кенг имконият яратади.

**Калит сўзлар:** аграр соҳа, илмий таъминот, тадқиқот, илмий ишланмалар, молиялаштириш, рағбатлантириш, механизм, такомиллаштириш, инновация, инновацион ғоялар.

## THE MAIN DIRECTIONS OF FINANCING RESEARCH WORK IN THE AGRARIAN SECTOR: INNOVATION

### ABSTRACT

The article identifies the existing problems in the main areas of funding for research in the agricultural sector and discusses the issues of improving the efficiency of funds allocated for research.

Not limited to conducting research in the field, but also make its introduction and increase the knowledge of consumers of scientific products one of the main directions. Providing scientific institutions with qualified scientific values and creating ample opportunities for the development of the field on a scientific basis.

**Key words:** Agricultural sector, scientific supply, research, scientific development, financing, incentive, mechanism, improvement, innovation, innovative ideas.

## ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ РАБОТЫ В АГРАРНОЙ СФЕРЕ: ИННОВАЦИИ

## АННОТАЦИЯ

В статье определены существующие проблемы основных направлений финансирования научно-исследовательских работ в аграрной сфере и обсуждены вопросы повышения эффективности направляемых на научные исследования средств.

Не ограничиваясь проведением только одной научно-исследовательской работы в области, возможно, внедрение его и повышение знаний потребителей научного продукта также станет одним из основных направлений. Это создает широкие возможности для обеспечения научных учреждений квалифицированными научными кадрами и развития сферы на научной основе.

**Ключевые слова:** аграрная сфера, научное обеспечение, исследования, научные разработки, финансирование, поощрение, механизм, совершенствование, инновации, инновационные идеи.

---

### Introduction

Further development of the economy, rapid introduction of modern technologies in the sectors of the economy, the agricultural sector with the widespread use of scientific and technical achievements is an important condition for the rapid development of the country. The rapid development of the agricultural sector requires reforms based on scientific research, innovative ideas, scientific developments and technologies that will ensure the rapid and high-quality progress of our country on the path to becoming a developed country. In world practice, scientific research and innovation are recognized as the main driving force of economic growth and are an important factor in creating conditions for sustainable development of the industry, able to solve a variety of problems.

In order to further enhance the role and effectiveness of the scientific supply system in the development of modern agricultural production and the prospects for deepening market relations in the industry, it is important to implement knowledge and experience in a single interconnected and harmonized system.

One of the urgent tasks today is to develop the real sector of the economy by attracting innovative projects and investments into the economy, improving the living standards of the population, increasing real incomes and providing employment.

The impact of agricultural science on the efficiency of agriculture is determined not only by the results achieved at the end of scientific research, but also by the results of scientific and technical activities, the rapid and rational introduction of intellectual property and technology into practice. Under market conditions, the demand of users for scientific solutions from the results of scientific products as a strong factor has a positive impact on improving the quality of scientific supply in the agricultural sector and its branches.

In his Address to the Oliy Majlis on January 24, 2020, President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev said: "We must clearly define the priorities in the field of science for our country.

It is necessary to form an electronic platform of scientific achievements, a database of domestic and foreign scientific developments. Every higher education and research institution must establish cooperation with prestigious foreign universities and research centers.

It is necessary to develop agriculture on the basis of strategic approaches, which is one of the most important areas for the development of our economy, employment and income growth" [1].

Today, it is necessary to transfer the applied sciences related to the practice of the agricultural sector on a commercial basis as an integral part of the agricultural market and to form its specific mechanisms. This, in turn, requires the development of cooperation of scientific institutions with local agricultural entities. The product of agricultural science to agricultural producers must be a finished product, and each author of a scientific result must be able to clearly demonstrate the economic benefits of the implementation of their scientific development.

In our opinion, it is known that agricultural science does not fully meet today's requirements, because this science does not fully manifest itself as a force that ensures the sustainable development of the industry.

The development of the agricultural sector should take into account the reduction of the direct negative impact of rising prices for material resources on the living standards of the population. This causes the income of agricultural producers to be lower than the income of those working in other sectors of the economy. Therefore, agriculture is in constant need of support from the state [2].

One of the key factors in the sustainable development of all sectors of agriculture as a result of research in the agricultural sector is its scientific establishment and the widespread introduction of scientific and technological advances in production and the improvement of the financing mechanism. At the same time, it will allow to find additional sources of financing in the economy by expanding the sources of financing production and attracting modern innovative technologies to agricultural production.

### **Literature review**

The following scientific research on the main directions of financing research in the agricultural sector has studied the views and opinions of foreign scientists and economists in the country.

American scientists D. Anderson, G. Federn says so by definition – “The relationships between basic and applied agricultural, developed and developing countries, as well as between, expansion, technology and productivity growth are outlined. Slowdown in public spending associated with increased production and crop yields, where growth rates also declined, especially in developed countries. However, growth in output per hectare has not declined in developing countries and labor productivity growth has increased only in the EU” [3].

Russian scientist D.I. According to Kokurin, “Targeted improvement and increase of agricultural machinery has led to several times higher levels of mechanization in crop production, vegetable growing, grain growing, industrial crops and animal husbandry, which is a key factor in increasing labor productivity. In the process of research and development of innovative and technical developments, there is an opportunity to obtain the final economic and social results in the field of production and consumption of agricultural products.

By scientific and technical potential we mean: the sum of accumulated knowledge; the sum of the personnel creating, maintaining, implementing them; The national structure of research and development, which unites the material and technical means, information support and organizational factors, as well as scientific and technical institutions classified by science and industry, included in the organization of scientific and technical institutions” [4].

According to E. Ogloblin, “one of the important aspects in the scientific substantiation of the mechanism of financing innovation activities is the clear identification of financial sources not only for the whole process, but also for each stage. Currently, the main source is the state budget, and recently the share of state budget funds in the study and implementation of innovations is declining. This trend is likely to continue in the near future and the importance of other sources of funding should increase. The structure of funding may vary according to the stages of this process” [5].

About this agrarian economist R.H. Khusanov - “Reform of the agricultural sector should include specific goals. It is primarily concerned with radical structural reconstruction within networks, radical change in the activities of industrial and social infrastructure in rural areas, ultimately stabilizing the supply of the population with basic food resources and industry with agricultural raw materials, It is emphasized that it is aimed at further improving the living standards of the population, especially in rural areas” [6].

Leading scientist in agro-industrial complex economics S.N. According to Usmanov, “Research for the correct scientific interpretation and use of objective economic laws, categories and concepts in economics is a method, methods and research should be relied on. In this case, scientific abstraction, methods such as abstract thinking play a key role” [7].

Leading economist A.V. Vakhobov's emphasizes “Modernization of the economy and deep structural changes, It is necessary to produce competitive and high-tech export-oriented finished products at a stable pace” states that [8].

### **Research Methodology**

Based on the research, conclusions are formed, developed scientific proposals and practical recommendations are given. As a result of the analysis of the main directions of financing research

in the agricultural sector, the efficiency of funds directed to the economy of the republic is not high. In order to boost the country's economy, it is possible to create an agricultural research center at the regional level, increase the income of farmers and dehqan farms and involve them in innovative projects, as well as create a scientifically based and promising system of agricultural development. Scientific research and economic analysis methods were widely used in the research process.

### **Analysis and results**

In the future, the increase in the skills of scientific personnel in the agricultural sector should occur in accordance with the level of complexity of production. In general, it is necessary to develop a fundamentally new mechanism of interaction between agricultural science and agricultural production, strengthening the scientific potential of the country and the effectiveness of solutions, a new concept covering the development of agrarian science, and strengthening the position of the main reformer of the state within this concept [9].

Based on this: the implementation of scientific developments in practice, mainly through a program developed within the field and the timely coordination of research; ensure that the developed programs include specific measures for the implementation of the completed scientific product, including its funding and control; it is expedient to take important measures, such as the creation of a system for the effective introduction of ready-made scientific solutions into production, which are interrelated with the production of agricultural science.

One of the links that connects science and industry is the provision of innovative information and advice. Currently, branches and research stations of research institutes in the regions of the country are trying to fulfill this task. However, it is important to prioritize the acceleration and development of integration processes in this system, even for reasons such as their subordination to different agencies and organizations, not working with a single program, their low efficiency.

It is necessary to work on the most pressing issues of agricultural science, such as improving the regulatory framework of land relations, improving the financial condition of the agricultural sector, improving the efficiency of the commodity intervention process, improving the activities of economic entities, state agricultural policy.

As part of the task to accelerate the introduction of scientific and technical achievements in the field, the regular implementation of measures to train scientific personnel and adapt them to research in market conditions will give good results.

In this regard, the following directions can be recommended:

- First, the establishment of a school of highly qualified young researchers in the leading research institutes in the main areas of science, as well as the revitalization of postgraduate and doctoral work;

- secondly, the organization of training of scientific personnel abroad in the most necessary areas of science. At the same time, special attention should be paid to research in modern science, such as biotechnology, genetic engineering. It is known that in today's fast-growing world market, the volume of modified genetic food products is growing.

Қимматли қоғозларни чиқариш корхоналарда катта молиявий сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Акциядорлар дивидендлар деб аталадиган корпоратив фойданинг бир қисмини олади. Дивидендлар фойданинг улушига, унинг сақланиб қолган ва истеъмол қилинадиган акцияларига нисбати, компаниянинг инвестиция сиёсати ва бошқа омилларга боғлиқ. Акциялар эгаси, шунингдек, бошқа бир қатор тадбиркорлик ҳуқуқларига эга, масалан, овоз бериш ҳуқуқи ва корпорация раҳбариятига сайланиш ҳуқуқи.

Акциядорлик жамиятлари оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариши мумкин. Оддий акционерлик жамиятлари акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш йўли билан акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш ҳуқуқи ва бошқалар каби бир қатор ҳуқуқларга эга. Улар бўйича дивидендлар ставкаси қафолатланган барқарор фоиз сифатида белгиланади.

Имтиёзли акциялар эгалари акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида овоз бериш ҳуқуқига эга.

Маълумотларга кўра, 2004 йилда мамлакатда 1 минг 800 акциядорлик жамияти фаолият кўрсатган. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг маълумотида кўра, 2018 йилда Ўзбекистонда 604 акциядорлик жамияти мавжуд бўлган [16].

“Тошкент” республика фонд биржасида 2017 йилда акцияларининг айланмаси амалга оширилган акциядорлик жамиятларининг сони 99 тани ташкил этган. Бу 2016 йилдагидан 45 тага кам деганидир.

Ўзбекистон фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ва “Акциядорлик жамияти” ташкилий-ҳуқуқий шаклининг тадбиркорлар учун умуман жозибадор эмаслигининг сабаби – амалдаги тартибларга кўра акциядорлик жамиятлари учун ҳаддан ташқари кўп талаблар белгиланганидир.

Буни яхшироқ англаш учун акциядорлик жамиятининг молиявий-иқтисодий фаолиятини назорат қилиш бўйича талабларни ўрганиб чиқиш кифоя қилади.

### Хулоса

Шундай қилиб, хулоса шуки ўрганилган халқаро тажриба, шунингдек, акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторлар, хорижий менежерларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида тақдим этилган солиқ имтиёзлари сабаб ташкилий-ҳуқуқий шакли акциядорлик жамияти бўлмаган корпоратив тузилмалар ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини акциядорлик жамиятига ўзгартиришлари мумкин. Бу, ўз навбатида, фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари сони ўзгаришига сабаб бўлади ҳамда фонд бозори амалиёти ва назарияси қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликдаги ушбу ўзгаришлар инвесторлар учун ошқор этилаётган ахборотнинг сифати ва ҳажмини сезиларли даражада яхшилайти ва натижада фонд бозорини инвестиция қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган фойдали маълумотлар билан реал равишда тўлдириш имконияти пайдо бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори. 2016 йил 27 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4455-сонли Фармони 18 июль 2012 йил
3. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 48-модда.
4. Расулов Н. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш: Иқт. фан. номз. ... дисс. иши – Т.: ТДИУ, 2010
5. Силова Е.И. Сравнительный анализ моделей корпоративного управления // Вестник Челябинского государственного университета, 2011, №32
6. Тагавердиева Д.С. Методы оценки эффективности корпоративного управления // Актуальные проблемы экономики и права, 2012, №2
7. Афоничкин А.И., Михаленко Д.Г. Модели и методы оценки эффективности организационной структуры системы корпоративного управления // Вестник Волжского университета им. В.Н. Татищева, 2013, №6.
8. "Saints & Sinners: Who's Got Religion?" Credit Lyonnais Securities Asia (CLSA) CG Watch, April 2001;
9. Harvard/Wharton. Gompers, Paul; Ishii, Joy; and Metrick, Andrew. "Corporate Governance and Equity Prices." Quarterly Journal of Economics 118(1), February 2003, 107-155
10. Andreas Engertab, Lars Hornu. Market standards in financial contracting: The Euro's effect on debt securities// Journal of International Money and Finance//Volume 85, July 2018, Pages 145-162.
11. David Cronin, Peter G. Dunne. How effective are sovereign bond-backed securities as a spillover prevention device?// Journal of International Money and Finance// Volume 96, September 2019, Pages 49-66.
12. Hadiye Aslana, Praveen Kumar. The real effects of forced sales of corporate bonds// Journal of Monetary Economics//Volume 95, May 2018, Pages 1-17.
13. Суёнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2007. – 319б.

14. Беркинов Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Нац.б-ки Узбекистана, 2005. – 132с.
15. Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. – Т.: Молия, 2008. –204с.
16. <https://uzexpertsovet.com>
17. <http://uza.uz/oz/society/zbekiston-fond-bozori-rivozhlanishiga-nima-t-s-inli-ilmo-da-09-03-2018>

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Усмонов Фаррух Фарходович  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
магистранти,  
Абсаломов Акром Толлибоевич  
“Банк иши” кафедраси  
ўқитувчиси

## ФАКТОРИНГНИНГ ҲАЛҚАРО АМАЛИЁТИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*For citation: Usmonov Farrux Farxodovich & Absalomov Akrom Tolliboevich. INTERNATIONAL PRACTICE OF FACTORING AND ITS PROSPECTS FOR DEVELOPMENT IN OUR COUNTRY. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.5. Issue 3. pp: 61-67*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-5-9>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада факторингдан ҳалқаро амалиётда қандай фойдаланилаётганлиги ва унинг республикамизда янада ривожлантириш учун амалга ошириш лозим бўлган таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилади. Таклиф ва тавсиялар мамлакатимиз тижорат банкларидан бирида олиб борилган таҳлил натижалари асосида ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** факторинг, дисконт, дебитор қарздорлик.

## INTERNATIONAL PRACTICE OF FACTORING AND ITS PROSPECTS FOR DEVELOPMENT IN OUR COUNTRY

### ABSTRACT

This article describes how factoring is used in international practice and suggestions and recommendations that need to be implemented for its further development in our country. The proposals and recommendations are based on the results of an analysis conducted in one of the commercial banks of the country.

**Keywords:** factoring, discount, receivables.

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА ФАКТОРИНГА И ЕГО ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается использование факторинга в международной практике, а также предложения и рекомендации, которые необходимо внедрить для его дальнейшего развития в нашей стране. Предложения и рекомендации были разработаны на основе результатов анализа, проведенного в одном из коммерческих банков страны.

**Ключевые слова:** факторинг, дисконт, дебиторская задолженность.

## Кириш

Аксарият ташкилотлар ўз фаолиятлари давомида бир қатор тўсиқларга дуч келаётганликлари сир эмас. Булар:

- Ўз маблағларининг етарли эмаслиги;
- Кредит рискининг ошаётганлиги;
- Юқори дебитор қарздорлик;
- Тўловга лаёқатсизликнинг кучайиши;
- Хорижий мижозларнинг товар сотиб олиш бўйича актив ҳисобрақамлар орқали тўловлар ўтказиш юзасидан топшириқ беришларидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар бу каби муаммоларни ечишда ҳозирги кунда такомиллашиб бораётган банк хизматларидан бири бўлмиш факторингдан фойдаланиш имкониятига эгадирлар.<sup>[6]</sup>

Факторинг ихтисослаштирилган савдо воситачиларнинг, кейинчалик эса савдо банкларининг операцияси сифатида XVI-XVII асрларда вужудга келган.<sup>[7]</sup>

Инглиз тилидан “factor” сўзи «маклер, воситачи» деган маънони англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан, факторинг шубҳасиз воситачилик билан боғлиқ операция ҳисобланади. Факторинг – қарзларни ундириш, товар ва хизматларни қайта сотиш, кейинчалик улар бўйича тўловларни қабул қилиш ҳуқуқини олиш бўйича амалиёт саналади. Бунда одатда қисқа муддатли талаблар назарда тутилади. Оддий сўз билан айтганда факторинг бу воситачилик фаолияти тури бўлиб, унда воситачи томон (факторинг компанияси ёки тижорат банклари) корхонадан ҳақ эвазига унга қарздор бўлган ташкилотлардан қарзларни талаб қилиш ҳуқуқини олиш орқали корхонага пул маблағлари ажратади.<sup>[3]</sup>

Кейинчалик тижорат банклари ушбу операцияга қизиқиш билдиришган. Фақатгина ўтган асрнинг 60-йилларига келиб факторинг операциялари тижорат кредитларининг ўрнини боса бошлади. Факторинг ташкилотларнинг молиявий рискининг камайишига ва ликвидлилигини яхшилашга кўмаклашадиган янги самарали тизим сифатида намоён бўла бошлади.<sup>[7]</sup>

Жаҳон амалиётида факторинг деганда, товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида фактор томонидан мижозга кўрсатиладиган бир қатор комиссия-воситачилик хизматлар тушунилади.

1988 йил хусусий ҳуқуқни унификациялаш Халқаро институти томонидан қабул қилинган халқаро факторинг тўғрисидаги конвенцияга асосан операция қуйидаги 4 та белгилардан камида 2 тасини қондирса, факторинг ҳисобланади, деб келишиб олинган. Улар қуйидагилардир:

- Қарз талабларининг олдиндан тўлаш шаклида кредитлашга эга бўлиш;
- Етказиб берувчининг бухгалтерия ҳисобини, айниқса, сотув ҳисобини юритиш;
- Унинг қарзини инкассация қилиш;
- Етказиб берувчини кредит рискидан суғурта қилиш.<sup>[2]</sup>

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни экспорт қилиш жараёнида экспортнинг кредит риски ошиб боради. Шунингдек факторинг амалиёти халқаро миқёсда амалга оширилаётган бўлса, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан қадрсизланиши натижасида валюта риски ҳам юзага келиши мумкин. Аммо фактор нуқтаи назаридан олиб қаралганда, кредитлашнинг ушбу кўриниши таваккалчилик даражаси юқори бўлганлиги билан бирга яхшигина даромад манбаи ҳам ҳисобланади.<sup>[3]</sup>

Факторинг амалиёти ушбу муносабат иштирокчиларининг барчаси учун ижобий хусусиятларга эга. Жумладан:

- Товар етказиб берувчилар учун;
- ишлаб чиқариш ҳажми ошади;
- рақобатбардошликни оширади;
- харидорлар сони ошади;
- янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун айланма маблағга эга бўлиш имконияти ошади;

- товар етказиб берувчининг дебитор қарздорлиги сўнади.
- Сотиб олувчи учун;
- олинган маҳсулот учун тўловни амалга оширишни 3 ойга кечиктириш;
- сифатсиз маҳсулот қабул қилиш рискин камайтиради;
- харид қилиниши мумкин бўлган товарлар ҳажми ва турини ошириш имконияти мавжуд бўлади;
- маблағлар айланишини тезлаштиради.
- Умуман олганда факторинг қуйидаги кўрсаткичларнинг яхшиланишига таъсир кўрсата олади.
- Таксилотларнинг ликвидлилиги ва рентабеллиги ошади;
- Дебитор қарздорликлар қисқаради;
- Дебитор томонидан тўлов интизомига риоя қилинишини назорат қилишдан озод этилади;
- Товарлар ва маблағлар айланмасини ошириш имконияти яратилади;
- Даромадлилик оширилади;
- Ўз маблағлари иқтисод қилинади;
- Молиявий режалаш яхшиланади;
- Тўловлар юзага келмаслик риски камаяди.[4]

Аммо шуни афсус билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу молиявий хизмат ҳақида тасаввурга эга эмасликлари ва бошқа бир неча сабаблар туфайли факторинг амалиётининг ривожланиши суст кечмоқда.

#### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Факторинг амалиёти ҳақидаги тушунчалар, унинг иқтисодиётда тутган ўрни, имкониятлари ва камчиликлари бир қатор мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан ўрганилган. Хулоса ва фикрлар уларнинг китоблари ва мақолаларида акс этган. Жумладан:

Гулямов (2016) нинг таъкидлашича, факторинг тарихини ҳуқуқий воқелик сифатида тадқиқотчилар турлича тасвирлаб келадилар. Айримлар уни капиталистик ҳуқуқ маҳсули ва фақат XX асрнинг 30-йилларида АҚШда юзага келган, деб ҳисобласалар, бошқалар эса факторингга хос белгиларни, ҳатто қадимги Бобил давлати тарихи билан боғламоқлайдилар. Аммо бизнинг назаримизда, факторингга ўрта аср инглиз савдо воситачилигининг "америкача заминга" мослаштирилиши оқибатида юзага келган ҳодиса сифатидаги қарашлар анча асосли ва тўғри.

Чекулаев (2018) нинг таъкидлашича факторинг – мунтазам равишда харидорлар доираси етказиб берувчига товарларни доимий равишда кредитлаш учун ташкилий ва молиявий хизмат туридир. Факторинг инновацион корхоналарни молиялаштиришни амалга оширишнинг самарали воситасидир.

Смирнеев (2015) ўз мақоласида факторинг сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб “агентлик хизматларининг турлари” деган маънони англатишини айтиб ўтади. У ўз фикрларида давом этар экан, бу амалиётда, фактор – бу молиявий агент эканлигини таъкидлайди. Факторинг – тўловни товар етказиб бергандан сўнг амалга оширилишига рози бўлган ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар учун мўлжалланган хизматлар мажмуасидир. Бу каби хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар мижозларга илгари етказиб берилган лекин тўлови тўлаб берилмаган маблағларни олишга ёрдам берадилар. Бир неча йиллар муқаддам бу каби хизмат турларини асосан молиявий институтлар тақдим қилишарди. Ҳозирги кунда молия бозорида автоном факторинг ташкилотлари ҳам кенг тарқалган.

Ярашов (2016) ўз мақоласида факторинг амалиёти тўғрисида фикр билдиради. Ҳозирги кунда замонавий иқтисодиётда жаҳоннинг илғор мамлакатларида кенг қўлланилаётган молиялаштириш манбааси усули–факторинг ҳисобланади. Қуйида биз ушбу молия бозоридаги инструментни атрофлича изоҳлаймиз. Факторинг қисқа муддатли молиялаш шакли сифатида.

Банклар бизнеснинг дебеторлик мажбуриятини ўз зиммасига олиб, айланма маблағларни молиялаштиришга маблағ ажратганда томонлар (ишлаб чиқарувчи–харидор) ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг жиддий тезлашишини, кредиторлик қарздорлик ошмасдан туриб айланма маблағларнинг сезиларли даражада ошишини таъминлайди.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда тадқиқот амалга оширилади ва факторинг амалиётларининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида республикамиз ва чет элда чоп этилган факторинг амалиётига оид адабиётлар ва мақолалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, шунингдек, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бошқа материалларидан, даврий матбуот материалларидан фойдаланилди.

Мақоланинг услубий асоси бўлиб, иқтисодий ҳодисаларни ўзаро боғлиқликда ва алоқада ўрганишни назарда тутувчи билишнинг диалектик усули ҳисобланади. Мақолани тайёрлаш жараёнида тадқиқотнинг мантикий ва таққослама таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш йўли билан статистик қайта ишлаш усули, молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув, иқтисодий-математик моделлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланилади.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатга олинган банклар кредит портфелидаги факторингнинг улуши жуда паст кўрсаткичларни қайд этмоқда. Ҳаттоки хусусий ва чет эл капитали иштирокидаги тижорат банкларида ҳам бу банк хизматидан аксарият ҳолларда фойдаланилмай келинмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида ушбу банк хизматининг қимматлиги, ҳужжатлар йиғмажилдининг кўплиги ва маблағ қайтмаслик рискиннинг юқорилиги кўрсатиб келинмоқда. Бироқ буларга қўшимча равишда факторинг амалиётини ривожланишида тўсқинлик қилаётган бир неча сабабларга тўхталиб ўтсак.

1. Дастлаб республикамиз ҳудудида факторинг компанияларини ташкил этиш лозим. Бунда уларни ривожлантириш учун фаолияти билан боғлиқ бўлган солиқларга имтиёзлар тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Оммавий ахборот воситалари орқали ўзларининг фаолиятларини ёритишда имкониятлар бериладиган бўлса, ривожланишларига янада тезроқ эришилади.

2. Тижорат банклари мижозларида факторинг амалиёти ҳақида маълумот мавжуд эмас. Бугунги кунда банклар ушбу амалиёт бўйича маблағларнинг қайтмаслик хатари юқорилиги туфайли мижозларга таклиф қилишмаяпти. Бу эса ўз навбатида факторинг амалиётлари миқдорининг камайиб кетишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Факторинг амалиётига бўлган талабни ошириш учун айнан ушбу банк хизмати, унинг устунлиги ва яратиб бериши мумкин бўлган имкониятлари ҳақида мижозларга кўпроқ маълумот бериш, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали реклама роликларини жойлаштириш лозим.

3. Факторинг амалиёти бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талаб даражасида эмас. Мамлакатимизда факторинг амалиётларини юритиш бўйича амалдаги низомга қадар 1997 йил 15 мартда 326-сонли ва 1999 йил 5 февралда 621-сонли низомлар ишлаб чиқилган. Ушбу низомлар бекор қилиниб 2000 йил 3 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 953-сон билан “Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом рўйхатга олинди. Бугунги кунга қадар ушбу низомга 4 марта ўзгартириш киритилди. Яъни 2012, 2014, 2016 ва 2018-йилларда ўзгартириш киритилди. Бироқ бу ўзгаришларнинг ҳеч бири факторингнинг ривожланишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсата олмайди. Низом 4 бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлимда умумий қоидалар акс этган.

Ушбу низомнинг 1.3 бандида “Факторинг — хўжалик юритувчи субъектлар — етказиб берувчиларни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк —




молиявий агентга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берадилар”[1] деб кўрсатилган. Ушбу банднинг охиридаги “регресс ҳуқуқисиз” деган жумлага эътибор қаратамиз. Жаҳон амалиётида факторинг операциялари 2 турга бўлинади. Яъни регресс ҳуқуқли ва регресс ҳуқуқисиз. Регресс ҳуқуқисиз деганда банклар факторинг амалиёти бўйича муддат тугаганда мажбурият сўндирилмаса, маблағларни маҳсулот етказиб берувчи яъни ўзининг миждидан талаб қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Регресс ҳуқуқлида эса маблағлар қандай вазият юзага келишидан қатъий назар маҳсулот олувчидан ундирилади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ушбу амалиётдан холис тарзда ўзининг фаолиятини давом эттираверади. Мамлакатимизда факторинг амалиётларини ривожланиши учун айнан ушбу жумлага ўзгартириш киритиш лозим. Факторинг амалиёти билан шуғулланувчи ташкилотлар факторингнинг иккала тури билан ҳам шуғулланиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Низомнинг 1.5 бандида “Факторинг хизматларини кўрсатиш асосида тўловчи томонидан молия агентига пул талабини бажариш муддатлари 90 кундан ошмаслиги керак. Банклар тўловчилардан қарзни ундириш бўйича ушбу муддатда тўланмаган мажбуриятларга доир чораларни қонунларда белгиланган тартибда кўришлари керак”[1] деб кўрсатилган. Хорижий давлатларда факторга пул талабини бажариш муддати 180 кундан иборат эканлиги аҳамиятга молик. Агар ушбу бандга ўзгартириш киритиладиган бўлса юқорида таъкидлаб ўтилган ва ҳозирда “қиммат” деб баҳоланаётган банк хизмати анча арзонлашган бўларди.

Низомнинг 1.9 бандида “Тўловчида муддати ўтган кредиторлик қарзининг йўқлиги факторинг хизматларини кўрсатишнинг мажбурий шarti ҳисобланади”<sup>[1]</sup> деб қайд этилган. Миждозларга имконият яратиш мақсадида ушбу бандга қисман ўзгартириш киритиб, муддати ўтган кредиторлик қарзи факторинг суммасининг ҳеч бўлмаганда 30%ни ташкил этиши лозимлиги белгилаб қўйилиши керак. Бунга сабаб, вазиятга холисона баҳо берадиган бўлсак, агар маҳсулот олувчи маҳсулот етказиб берувчига маҳсулот учун тўловни ўз вақтида тўлаб берганида маҳсулот етказиб берувчида муддати ўтган кредиторлик қарзи вужудга келмаган бўлар эди.

4. Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфелини таҳлил қиладиган бўлсак, портфел таркибида факторингнинг улуши жуда камлигини кўришимиз мумкин. Аксарият банкларимизда ҳатто ушбу операциядан умуман фойдаланилмайди. Келтирилган фикрларимиз рақамларда асосланиши учун бугунги кунда республикаимиз банк тизимида ўз ўрнига эга бўлган “Туронбанк” АТБ нинг охириги 10 йиллик кўрсаткичлари чорақлар кесимида таҳлил қилинди.[9] “Туронбанк” АТБ да гарчи ҳалқаро факторингдан фойдаланилмаётган бўлсада, миллий валютада факторингдан фойдаланиб келинмоқда.


Дастлаб факторингнинг жами кредит портфелидаги улушини таҳлил қиламиз.



1-расм. “Туронбанк” АТБ кредит портфелида факторинг операциясининг салмоғи

Маълумотлардан кўриниб турибдики энг яхши кўрсаткич 2010 йилда қайд этилган. 2010 йилнинг бошқа чораклари таҳлилини кўрадиган бўлсак факторинг жами кредит портфелида ўртача 4% ни ташкил этган. Ҳақиқатдан ҳам 2010 йилда факторингдан самарали фойдаланилган. Кейинчалик кредит портфелининг ошиши ва факторингга бўлган талаб камайиши натижасида бу кўрсаткич йил сайин тушиб борган ва 2019 йилнинг барча чорак маълумотларини инобатга оладиган бўлсак ўртача 0.05% ни ташкил этган. Кредит портфели эса хўжалик юритувчи субъектларга миллий ва чет эл валютасида берилган узоқ муддатли кредитлар натижасида кескин ошиб борган.


Қуйида тижорат банки факторинг операциясидан оладиган комиссиян ҳақи дисконтнинг йиллар давомида ўзгаришини кўришимиз мумкин. Дисконт фоизи тижорат банкининг ҳар йил тасдиқланадиган фоиз сиёсатидан келиб чиқиб белгиланади.



**2-расм. “Туронбанк” АТБ факторинг операциясидан оладиган дисконтнинг йиллар давомида ўзгариши.**

“Туронбанк” АТБ да энг кичик дисконт фоизи 2011 йилда қайд этилган. Энг катта миқдор 2017 йилга тегишли ва 12.42 фоизни ташкил этган. Йиллик ҳисобда ҳисоблаганда 49.68 фоизда кредит олиш деганидир.

Тижорат банки даромади таркибида факторингдан олинган дисконтнинг улуши қандайлиги ҳам жуда қизик маълумот ҳисобланади.



**3-расм. “Туронбанк” АТБ даромади таркибида факторингдан олинган дисконтнинг улуши.**

Маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, энг яхши кўрсаткичлар 2010 ва 2011 йилларда қайд этилган ва йил сайин камайиб борган. Балки йиллар давомида турли банк хизматлари жорий этилгани сабабли, балки кредитлаш масаласида бир қанча имтиёзлар берилиши билан

кредитлар салмоғининг ошиши натижасида факторингдан олинган даромад жами даромаддаги улуш 2019 йил якунига келиб 0.22% ни ташкил этган.

Таҳлил қилинган 40 та ҳисобот саналари маълумотларини кўрадиган бўлсак, барча ҳисобот саналарида факторинглар ажратилган. 10 та ҳисобот санасида муддати ўтган факторинг ҳисобрақаида қолдиқ мавжуд. 9 та ҳисобот санасида факторингларга захира яратилган. Бор йўғи 2 та ҳолатда факторингларни ундирилиши юзасидан суд органларига мурожаат қилинган.

Юқоридаги таҳлил маълумотларидан шуни англаб етиш мумкинки, факторингнинг қайтмаслик rischi юқорилиги юзасидан бўлаётган хавотирлар фақат қисмангина тўғри бўлиши мумкин. Аммо жуда кўп ҳолларда қарздорликлар ўз вақтида қайтарилмоқда.

### **Хулоса**

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган ўрганишлар ва амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, факторинг амалиёти фойдаланувчиларга жуда кўп қулайлик ва имкониятлар яратиб берар экан. Аммо шунга қарамадан бизнинг амалиётимизда банкларнинг ушбу операцияси етарли даражада ривожлангани йўқ. Фикримизча, келажакда қуйидаги ишлар амалга оширилиши факторинг амалиёти янада ривожланишига олиб келади:

- Факторинг компаниялари очиш ва уларнинг фаолиятини ОАВ да кенг ёритиш орқали оммага реклама қилиш;
- Мижозлар ўртасида факторинг амалиёти, унинг қулайлиги ва имкониятлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш;
- Тижорат банклари ва факторинг компанияларига регресс ҳуқуқли факторингдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
- Факторингни сўндириш муддатини 90 кундан 180 кунга узайтириш;
- Маҳсулот етказиб берувчининг муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги факторинг суммасининг 30% идан ошмаслиги юзасидан низомга ўзгартириш киргиши;

Юқоридаги ишлар амалга оширилиши натижасида жуда кўплаб ютуқларга эришишимиз мумкин. Факторинг амалиёти фойдаланувчилари сонини ошириш орқали тижорат банклари факторингдан олинган даромадлари миқдори ошишига, маҳсулот етказиб берувчи ва маҳсулот олувчилар ўртасида дебитор қарздорлик суммасининг камайишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сонини оширишга, маблағлар ва маҳсулотлар тезроқ ва кўпроқ айланишига эришиш шулар жумласидандир.

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 августда 953-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғриси”даги низом, lex.uz;
2. Asfact.ru, (1988). Конвенция Унидруа по международным факторинговым операциям, <http://asfact.ru/konvencija-unidrua-po-mezhdunarodnym>;
3. Азизов У., Каралиев Т., Бобакулов Т., Абдуллаева Ш., Холмахмадов З., Ортиков О., Саидов Д., Исмоилов А., (2016). “Банк иши”, Тошкент, “Фан ва технология” нашриёти;
4. Багиров М., журнал "Акцион МЦФЭР", "Факторинг как вид финансирования предприятий" 4 декабрь 2018 й.;
5. Емелианов В., (2014), Возможностях использования международного факторинга в российской практике и его преимуществах для экспортеров и импортеров, <http://www.factoringpro.ru/index.php/factoring-review/3439-export-and-import-with-factoring>;
6. Смирнеев Е., журнал "Genius marketing", "Факторинг. Что Нужно О Нем Знать? Преимущества И Недостатки Факторинга" 13 июнь 2015 й.;
7. Чекулаев М., журнал "Cyberleninka" "Сущность и особенности факторинга" июль 2018 й.;
8. Ярашов Ш., журнал "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали, №1 январь-февраль 2016 й.;
9. "Туронбанк" АТБ молиявий ҳисоботлари.
10. <https://bizfluent.com>;

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Jiyanova Nargiza Esonboevna

Toshkent moliya instituti

“Davlatiy moliya” kafedrasi dotsenti, i.f.n.,

Raximjonov Baxodir Olimjon o'g'li

Toshkent moliya instituti magistranti

## DAVLAT IJTIMOY SIYOSATINI AMALGA OSHIRISHDA PENSIYA TA'MINOTI TIZIMINI TUTGAN O'RNI

*For citation: Jiyanova Nargiza Esonboevna & Raximjonov Baxodir Olimjon o'g'li. ROLE OF PENSION SYSTEM IN REALIZATION OF THE STATE SOCIAL POLICY. Journal of innovations in economy. 2020. Vol.5. Issue 3. pp: 68-74*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-5-10>

### ANNOTATSIYA

O'zbekistonda pensiya va ijtimoiy nafaqalarni o'z vaqtida moliyalashtirish moliyaviy va iqtisodiy bozorlarni rivojlanishi barqaror daromadni ta'minlash imkoniyatini beradi. Ushbu maqolada pensiya ta'minoti, nazariy ahamiyatini unda pensiya ta'minotining ijtimoiy zarurligi, xususiyatlari ochib berilganligi, mamlakatimizda pensiya ta'minoti taraqqiyotining tashkiliy-huquqiy asoslari ko'rsatib berilganligi, pensiya ta'minoti tizimlarining moliyaviy manbalari tahlil qilinganligi belgilab beradi.

**Kalit so'zlar:** pensiya, jamg'arma, ijtimoiy nafaqa, keksalik, konsepsiya, aholi, yosh, bandlik, layoqatlilik, pog'ona, transfert, daromad, taqsimlanish, taminot, ijtimoiy kafolat.

## ROLE OF PENSION SYSTEM IN REALIZATION OF THE STATE SOCIAL POLICY

### ABSTRACT

Timely financing of pensions and social benefits in Uzbekistan will provide stable income for development of the financial and economic markets. In this article the theoretical value of pensions is defined, the social advantage of pensions reveals, organizational and legal bases of development of pensions are explained and also financial resources of pension systems are analyzed.

**Keywords:** pensions, savings, social benefits, old age, concept, population, age, employment, abilities, career, translation, income, distribution, providing, social security.

## РОЛЬ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ В РЕАЛИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ

### АННОТАЦИЯ

Своевременное финансирование пенсий и социальных пособий в Узбекистане обеспечит стабильный доход для развития финансово-экономических рынков. В этой статье определяется теоретическое значение пенсий, раскрывается социальная польза пенсий,

разъясняются организационные и правовые основы развития пенсий, а также анализируются финансовые ресурсы пенсионных систем.

**Ключевые слова:** пенсии, сбережения, социальные пособия, старость, концепция, население, возраст, занятость, способности, карьера, перевод, доход, распределение, обеспечение, социальное обеспечение.

### **Kirish**

Mamlakat aholisini ijtimoiy himoya qilishda shu mamlakatda tarkib topgan pensiya ta'minoti muhim o'rin egallaydi. O'zbekiston Respublikasida ijtimoiy sohaning muhim bo'g'ini bo'lgan pensiya ta'minotiga ulkan e'tibor, avvalambor, pensiyalar va ijtimoiy nafaqalarning bosqichma-bosqich oshirib borilishida ko'rinadi. Bu borada Prezidentimiz SH. Mirziyoyev "nafaqat eng kam oylik ish haqini, balki byudjet tashkilotlarida ham, xo'jalik yurituvchi sub'ektlarda ham o'rtacha ish haqi miqdorini, pensiya, stipendiya va ijtimoiy nafaqalar hajmini bosqichma-bosqich ko'paytirish e'tiborimiz markazida bo'ladi", deb ta'kidladi [3].

Bugungi kunda dunyoning barcha mamlakatlari pensiya tizimlari boshqarish va moliyalashtirishning ancha murakkab bo'lgan aralash tizimiga ega. Bizning mamlakatimizdagi kabi, bu davlatlarda ham boshqarish va moliyalashtirish masalalarida muammolar talaygina. Bu muammolar mamlakatning demografik tarkibi, aholining borgan sari qarib borayotganligi, ishlovchilar bilan pensiya oluvchilar o'rtasidagi nisbatning pensiya ta'minotining moliyaviy holatiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan darajada o'zgarib borayotganligi, davlat tomonidan kafolatlangan pensiya tizimlariga muqobil ravishda jamg'arib boriladigan pensiya tizimlarining rivojlanganligi, lekin bu tizim aholining daromadlilik darajasini hisobga olgan holda yetarli samaradorlikka ega emasligi, xususiyl pensiya fondlarining rivojlanishiga mamlakatda moliya bozorining lozim darajada shakllanmaganligi kabi muammolar bilan bog'liq. Shu jihatdan mamlakatimizda pensiya ta'minoti tizimini isloh qilishning zarurligi, ijtimoiy sohaning bu sektorini mablag' bilan ta'minlash manbalarini mustahkamlash zarurligi, fuqarolarning keksayganda hayot farovonligini davlat pensiya ta'minoti tizimiga muqobil asosda jamg'arib boriladigan hamda xususiyl pensiya tizimlarini shakllantirish orqali ta'minlash kabi masalalar bitiruv malakaviyl ishining dolzarbligini belgilab beradi.

### **Mavzuning o'rganilganlik darajasi**

O'zbekistonda pensiya tizimining daromadlari holati, tarkibi, rivojlanish tendentsiyalari, isloh etishning nazariyl va amaliyl jihatlarini A.V.Vaxabov, R.T.Dalimov, N.M.Majidov, B.X.Umurzoqov, G.K.Saidova, M.A.Hakimova, B.Sh.Xusanov va boshqalar tomonidan tadqiq etilgan. [5,6,7]

Yuqorida amalga oshirilgan tadqiqot ishlarining barchasi pensiya tizimi daromadlarining isloh etishni kontseptual, nazariyl jihatlarini tahlil etishga bag'ishlangan bo'lib, pensiya jamg'armasi mablag'larini ko'paytirishga va uning mablag'laridan samarali foydalanishga, uning ortiqcha resurs mablag'laridan tadbirkorlik faoliyatini kuchaytirish jihatlariga etarli darajada e'tibor berilmagan.

Mamlakatda pensiya tizimini daromadlarining institutsional-huquqiy asoslarini takomillashtirish, pensiya jamg'armasi daromadlari manbaini barqarorlashtirish, pensiya ta'minoti tizimi mablag'laridan foydalanishning yo'nalishliri hamda pensiya imtiyozlarini qisqartirish, jamg'ariladigan pensiya tizimiga o'tishga qaratilgan qator chora-tadbirlar amalga oshirildi. Shunday bo'lishiga qaramasdan, aholi turmush darajasini izchillik bilan oshirish va turmush sifatini yaxshilash pensiya tizimini moliyalashtirish holatini baholash, takomillashtirish va uni moliyaviyl barqarorligini ta'minlash bilan bog'liq muammolarni kompleks tahlil qilishni taqozo etmoqda.

Dunyoning ko'pchilik mamlakatlarda taqsimlanuvchi va jamg'ariladigan pensiya tizimlariga asoslangan ko'p pog'onali tizim amal qilmoqda. Qator mamlakatlarda taqsimlanuvchi pensiya tizimi takomillashtirilib, unga shartli – jamg'ariladigan schetlar kiritildi. Shu yo'l bilan fuqaro tomonidan o'tkazilgan pensiya badali va to'lanadigan pensiya miqdori o'rtasidagi uzviyl aloqadorlik taminlandi. Pensiya taminotining jamg'arish tizimiga o'tish borasidagi dastlabki tadbirlar Lotin Amerikasi mamlakatlarida ko'p pog'onali pensiya tizimini joriyl qilish maqsadida dastlab qo'llanila boshlandi. Ushbu davlatlarga Argentina, Kolumbiya, Peru va Urugvayni misol qilib ko'rsatish mumkin.

Jamg'ariladigan pensiya tizimini moliyalashtirish uchun turli mamlakatlarda

quyidagi usullardan foydalanildi:

- taqsimlanuvchi pensiy atizimini qisman saqlab qolish Chunki to'plangan ajratmalarni mavjud pensionerlarga to'lash kerak Polsha Vengriya Shvetsiya Urugvay va Rossiyada ushbu usullardan foydalaniladi
- mehnatga haq to'lash fondidan qilinadigan ajratmalar miqdorini oshirish usuli
- boshqa manbalardan olingan daromadlarni ishlatish usuli Masalan Xitoyda lotoreyalarni sotishdan olingan daromaddan Argentinada qo'shilgan qiymat solig'idan foydalaniladi
- mahalliy byudjetlarning profitsidan foydalanis husuli –davlat mulkini xususiylashtirishdan olingan mablag'larini joriy pensiya majburiyatlarini moliyalashtirish uchun ishlatish usuli Peru, Boliviya va Polshada ushbu usullardan foydalaniladi

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Pensiya jamg'armasi daromadlarining shakllanishi, xarajatlarining yo'naltirilishi, jamg'arib boriladigan pensiya ta'minotida mablag'larning kapitalizatsiyalashuvi va pensiya hisobvaraqlaridan to'lovlar tizimi o'rganildi.

Ilmiy tadqiqot jarayonida induksiya, deduksiya, analiz, sintez va qiyosiy tahlil usullaridan samarali foydalanilgan.

### **Tahlil va natijalar**

Har bir inson qayerda ishlamasin, halol mehnat qilib hurmat e'zoz bilan pensiyaga chiqishni xohlaydi. Qilgan mehnatlari evaziga davlat tomonidan to'lanadigan pensiyani olib keksalik gashtini surish barchaning orzusi. Ammo bugungi kunda ba'zi fuqarolar rasmiy mehnat shartnomasi tuzmasdan, mehnat huquqlarini himoya qilish kafolatlanmasdan konvert usulida mehnat haqi olib ishlab kelmoqda. Bu kabi ishchilarga ish beruvchi tomonidan shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisob-varaqasiga to'lov amalga oshirilmaydi, natijada pensiya yoshiga etgan shaxslarda pensiyaga chiqishda muammolar paydo bo'ladi.

To'g'ri shu vaqtga qadar xodimlar soni korxonalar tomonidan to'lanadigan soliqlarga ta'sir qilgan. Tadbirkorlik sub'ektlariga yanada qulay sharoit yaratish uchun 2019 -yil 1 yanvardan boshlab "Soliq kodeksi" hamda soliq va byudjet siyosatining asosiy yo'nalishlari bo'yicha qabul qilingan qonun hujjatlariga asosan soliq stavkalari keskin kamaytirildi.

Jumladan, aholining real daromadini oshirish, ish o'rinlari va mehnatga haq to'lash jarayonlarining shaffofligini ta'minlash maqsadida jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ining amaldagi 4 ta pog'onali stavkalari o'rniga yagona 12 foizlik stavka belgilandi. Pensiya jamg'armasiga 8 foizli sug'urta badali bekor qilindi. Yagona ijtimoiy to'lov stavkasi 25 va 15 foizdan 12 foizga tushirildi Natijada, ish haqi fondiga soliq yuki o'rtacha 1,8 marotabaga kamayib, xodimlarining ish haqini oshirish hamda yangi ish o'rinlarini yaratish imkoniyati yuzaga keldi.

Shuningdek, 2019 -yil 1 aprelga qadar xodimlar soni va mehnatga haq to'lash fondini ixtiyoriy ravishda rasmiylashtirsa, avvalgi hisobot davrlarida xodimlar sonini yashirganlik uchun soliqlarni qo'shimcha hisoblashdan ozod qilindi. Shu bilan birga, yagona ijtimoiy to'lovning kamaytirilishi natijasida bo'shaydigan mablag'lar hisobidan xodimlar ish haqi miqdorini oshirish imkoni yuzaga keladi.

Amaliyot shuni ko'rsatadiki 50% pensionerlar pensiyasini yo'qotish sababli o'z faoliyatini rasmiy ro'yxatga olishdan saqlanishadi. Shu sababli "Davlat pensiya ta'minotini isloh etish kontseptsiyasiga" ko'ra 2019-yildan barcha ishlovchi pensionerlarga pensiyalarini to'liq miqdorda olish huquqini berish taklif berilgan, bu chora 363 170.5 mln.so'mni qo'shimcha xarajatlarga olib keladi.

1-jadval

### **Yevropa Ittifoqining ba'zi mamlaklarida pensiya tizimini daromad bilan ta'minlash manbalari tahlili [8]**

Mamlakatlar	Fuqarolarning sug'urta badallari	Ish beruvchilarning ajratmalari	Davlatningpensiya tizimidagi ishtiroki
Belgiya	7,5	8,86	subvensiya
Buyuk	5-9	5-10,4	subvensiya

Britaniya			
Germaniya	9,35	9,35	subvensiya
Italiya	7,15	17,06	subvensiya
Ispaniya	4,8	24	subvensiya
Fransiya	6,6	8,2	-
Gretsiya	4,75	9,5	ish stajiga ega bo'lmaganlar xarajatlarini qoplash
O'zbekiston	7.5	24,8	kompensatsiya va ba'zi ijtimoiy nafaqalarni qoplash

Hozirgi vaqtda dunyo pensiya tizimida o'rtacha pensiya yoshining uzayishi, tug'ilish darajasining pasayishi, ishsizlikning ko'payishi kabi omillar ta'sirida pensiya tizimida bir qator muammolar yuzaga kelmoqda. Shu tufayli pensiya fondlari daromad manbalari qisqarib, pensiyalarni to'lashda mablag'lar yetishmovchiligi yuzaga kelmoqda. Hozir dunyoda global qarish jarayonlari keskin davom etmoqda, bu esa kelajakda jahon mamlakatlari ijtimoiy ta'minot tizimida tuzatib bo'lmaz defitsitni yuzaga keltirib chiqarishi ehtimoli mavjud.

Fertillik darajasi- bu mamlakatdagi voyaga yetgan bir nafar ayolga to'g'ri keluvchi bolalar o'rtasidagi nisbatdir. Bu ko'rsatkich kelajakda qanday demografik o'zgarishlarni prognoz qilish orqali pensiya tizimlarida to'g'ri islohotlar o'tkazishga ko'mak berish maqsadida hisoblab chiqiladi.

Hozirgi vaqtda fertillik darajasi dunyoning rivojlangan va rivojlanayotgan va o'ziga xos tabiiy mentalitetiga qarab davlatlarda turli xildir. Buni quyidagi diagramma ma'lumotlaridan ham ko'rish mumkin.

2-jadval

**Yevropa Ittifoqining ayrim mamlakatlarida  
o'rtacha umr ko'rish darajasi va davlat pensiyasi [8]**


Mamlakatlar	Umr davomiyligi, (yil)		2030-yilda 2015-yilga nisbatan o'zgarishi, %	Davlat pensiyasining o'rtacha miqdori (yevroda, har oyda)			
	2015-y.	2030-y.		2010-y.	2012- y.	2014 -y.	O'rta chasi
Niderlandiya	79,5	81,6	2,64	1537	1603	1659	1600
Lyuksemburg	79,4	81,6	2,77	1495	1583	1662	1580
Avstriya	78,7	81,0	2,92	1445	1517	1618	1527
Daniya	78,5	80,8	2,93	1381	1479	1629	1496
Belgiya	78,7	80,5	3,07	1402	1470	1534	1469
Xorvatiya	74,4	77,4	4,03	246	267	258	257
yestoniya	72,1	75,7	4,99	264	237	258	253
Litva	69,3	73,6	6,20	231	226	229	222
Ruminiya	71,7	75,5	5,30	187	192	209	196
Bolgariya	71,6	75,3	5,17	113	117	134	122

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinadiki, 2014-yilda eng yuqori pensiya miqdori (Niderlandiya) bilan eng quyi pensiya miqdori (Bolgariya) o'rtasidagi farq 1,5 ming yevroni tashkil qiladi va eng yuqori pensiya miqdori eng quyi pensiya miqdoridan 12,4 marta ko'pdir.

2013-2024 yillar uchun demografik prognozlarga ko'ra, O'zbekiston aholisi tarkibida pensiya yoshidagi aholining ulushi (1,2 mln. kishiga) ko'payishi kutilmoqda. Bu esa, o'z navbatida, byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi xarajatlarining mutanosib ravishda ortishiga olib keladi.

Umuman olganda, yevropa Ittifoqi mamlakatlarida 2060-yilga qadar pensiya ta'minoti

tizimini isloh etish yo'nalishlari quyidagilardan iborat bo'ladi: keksa aholining bog'liqlik koeffitsientini kamaytirish maqsadida 65 va undan yuqori yoshdagi aholiga nisbatan ishchi kuchi sifatida munosabatni shakllantirish va ularning bandligini ta'minlash; pensiya yoshidagi aholi guruhlarining yollanib ishlashlari uchun shart-sharoitlar yaratish va ularni qo'llab-quvvatlash; mamlakatdagi o'rtacha pensiya miqdorining fuqarolarning mehnat faoliyatidagi samarali faoliyati ko'rsatkichi bilan o'zaro aloqadorligini ta'minlash; mehnat bozorida ish vaqtlarini o'zgartirish va samarali bandlikni tashkil etish.



**1-rasm. Yoshga doir pensiya tayinlash uchun murojaat qilgan fuqarolar soni, nafar [9]**

Yoshga doir pensiyaga chiqish uchun murojaat qilgan fuqarolarning yillik soni 2016 yilda 2013 yilga nisbatan 1,85 barobarga yoki 95,1 ming nafarga ko'paygan. Agar, yoshga doir pensiyani tayinlashning amaldagi tartiblari saqlab qolinadigan bo'lsa, murojaatlar soni 2025 yilga borib, 300 ming nafardan ortishi prognoz qilinmoqda. Fuqarolarning yoshiga doir pensiya tayinlash uchun murojaat qilganlarning tez sur'atlarda ko'payib borishi ularning tug'ilish darajasi yuqori bo'lgan davrga to'g'ri kelishi va pensiya yoshiga yetishi bilan bog'liqdir.

#### **Xulosa va takliflar**

Taraqqiy etgan mamlakatlar tajribalaridan kelib chiqib:

- mamlakatimizda pensiyaga chiqish yoshini ijtimoiy-iqtisodiy omillarni inobatga olgan holda, qadam-baqadam uzaytirib borish lozim. Bu holda turli ijtimoiy ziddiyatlarning yuzaga kelishini oldini olish uchun kech pensiyaga chiqishni rag'batlantiruvchi omillarni ishlab chiqish zarur bo'ladi. Bunda ishchi yoki xodim ko'proq mehnat qiladi, pensiyaga chiqishi kechiktiriladi hamda mazkur davr mobaynida Pensiya jamg'armasiga sug'urta badallarini o'tkazib boradi;

- O'zbekistonda xususiy pensiya fondlarini tashkil etish va ular faoliyatini rivojlantirishning tashkiliy-huquqiy va iqtisodiy asoslarini ishlab chiqish zarur.

Pensiya jamg'armasining moliyaviy barqarorligini mustahkamlashda:

- birinchidan, fuqarolarning ixtiyoriy sug'urta badallariga asosiy e'tiborni qaratish zarur. Ularning stavkalarini oshirib borish siyosatini davom ettirgan holda pirovardida hisoblab chiqariladigan pensiya miqdorini ishlovchining to'lagan sug'urta badaliga bog'liqligini ta'minlash va shu orqali mazkur manbadan tushumlar miqdorini oshirish hamda iqtisodiy adolatni ta'minlash lozim;

- ikkinchidan, aholini pensiya tizimiga jalb etish qamrovini kengaytirish, ularni Pensiya jamg'armasiga sug'urta badallari to'lanish tizimini takomillashtirib borish lozim, 2019 yil 1 yanvardan bekor qilingan fuqarolarning ish haqidan undiriladigan majburiy sug'urta badallarini to'lash masalasini qayta ko'rib chiqish zarur, deb hisoblaymiz. Deyarli barcha rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda fuqarolar majburiy ijtimoiy sug'urta tizimida ishtirok etadilar. Shuningdek, mamlakatimiz va chet elda norasmiy ish bilan band bo'lgan fuqarolarni pensiya tizimiga jalb etish zarur bo'ladi. Buning uchun ommaviy axborot vositalari, vaqtli matbuot va televidenie orqali aholini pensiya tizimiga jalb qilish va istiqbolda undan manfaatdorligini ta'minlashga qaratilgan keng qamrovli targ'ibot-tashviqot ishlarini olib borish kerak;



– byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi mablag'larining maqsadli sarflanishi ustidan nazoratni kuchaytirish va uning monitoringini samarali tashkil etish zarur.

Bizning fikrimizcha, O'zbekistonda pensiya ta'minoti tizimini rivojlantirish, uning moliyaviy barqarorligini ta'minlash maqsadida quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirishni maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz:

